

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА

МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

«ТЕХНИКА» ФАКУЛЬТЕТИ

«ИҚТИСОДИЁТ» КАФЕДРАСИ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

«Техника» факультети декани

К. Қосимов

«ҲИМОЯГА ҚЎЙИЛДИ»

«Иқтисодиёт» кафедраси

муdiri Н.Халилов

«\_\_\_»\_\_\_\_\_2012й.

«\_\_\_»\_\_\_\_\_ 2012й.

“Чин Саидахрор ерлари” фермер хўжалигида  
махсулот етиштириш рақобатбардошлигини  
ошириш

МАВЗУСИДАГИ

## БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

БАЖАРДИ: “Иқтисодиёт” йўналиши битирувчиси Паттаев Шавкатбек

ИЛМИЙ РАҲБАР: Кодиров С.

МАСЛАҲАТЧИЛАР: и.ф.н., катта ўқитувчи Мадрахимов У.

ассистент Анафияев А.

ТАҚРИЗЧИЛАР: 1. “Чин Саидахрор ерлари” фермер хўжалиги бошлиғи:  
Б. Қодиров.  
2. “Мамасидик ипаги” фермер хўжалиги бошлиғи:  
М. Мамасидиков

АНДИЖОН-2012й.

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ  
«ТЕХНИКА» факультети, «ИҚТИСОДИЁТ» кафедраси,  
«ИҚТИСОДИЁТ» йўналиши 1-гуруҳ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

«Иқтисодиёт» кафедраси  
мудири Н.Халилов

---

5. 12. 2011й.

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ**

Талаба: Паттаев Шавкатбек

1.Битирув малакавий ишининг мавзуси: “Чин Саидахроп ерлари” фермер хўжалигида маҳсулот етиштириш рақобатбардошлигини ошириш 5-сонли 5 декабрь 2011й. кафедра мажлисида маъқулланган.

2.Битирув малакавий ишни топшириш муддати: “\_\_\_\_” июнь 2012й.

3.Битирув малакавий ишни бажаришга доир бошланғич маълумотлар: “Чин Саидахроп ерлари” фермер хўжалигинингнинг уч йиллик статистик ҳисоботлари, илмий мақолалар ва тезислар.

4.Хисоблаш-тушунтириш ёзувларининг таркиби (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйхати):

**Иқтисодиёт рақобатдошлигининг моҳиятини илмий-назарий асослари**

**“Чин Саидахроп ерлари” фермер хўжалигининг иқтисодий кўрсаткичлари тахлили**

**Маҳсулот рақобатбардошлигини оширишни амалий йўллари**

5.Чизма ишлар рўйхати (номи аниқ кўрсатилади):

**2.1.1-расм. “Чин Саидахроп ерлари” фермер хўжалигининг бошқарув структураси;**

**2.2.1-жадвал. “Чин Саидахроп ерлари” фермер хўжалигининг иқтисодий кўрсаткичлари;**

**2.2.1-расм. “Чин Саидахроп ерлари” фермер хўжалигида маҳсулот етиштириш даражаси;**

**2.3.1-жадвал. “Чин Саидахроп ерлари” фермер хўжалигида асоси воситалар тахлили**

## 6. Битирув малакавий иши бўйича маслаҳатчи(лар)

№	Бўлим мавзуси	Маслаҳатчи ўқитувчи  ф. и. ш.	Имзо, сана	
			Топшириқ берилди	Топшириқ бажарилди
1	Кириш	Мадрахимов У.	20.12.2011й	03.01.2012й
2	Иқтисодиёт рақобатдошлигини моҳияти, назарий асослари	Анафияев А	04.01.2012й	25.02.2012й
3	Фермер хўжаликнинг иқтисодий кўрсаткичларни таҳлили	Қодиров С.	26.02.2012й	14.04.2012й
4	Махсулот рақобатбардошлигини оширишни амалий йўллари	Анафияев А.	15.04.2012й	30.04.2012й
5	Хулоса	Қодиров С.	02.05.2012й	14.05.2012й

## 7. Битирув малакавий ишини бажариш режаси

№	Битирув малакавий иши босқичларининг номи	Бажариш муддати (сана)	Текширувдан ўтганлик белгиси
1	Рақобатдошлик тушунчасининг моҳияти, барқарор иқтисодий ривожланишдаги роли	10.01.2012й	
2	Рақобатбардошликни ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни таҳлил қилиш	17.01.2012й	
3	Харажатларни камайтириш рақобатбардошликни оширишнинг асосидир	25.02.2012й	
4	Хўжаликни шаклланиш тарихи ва бошқарув структураси	14.03.2012й	
5	Хўжаликнинг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили	14.04.2012й	
6	Асосий воситалардан фойдаланиш ҳолати таҳлили	18.04.2012й	
7	Мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатдошлигини таъминлаш йўллари	30.04.2012й	
8	БМИ тақризлари	10.05.2012й	

Битирув малакавий иши раҳбари: С.Қодиров \_\_\_\_\_

Топшириқни бажаришга олдим: Ш. Патгаев. \_\_\_\_\_

Топшириқ берилган сана: 15 декабрь 2011йил

## МУНДАРИЖА

**КИРИШ**.....

### **I.БОБ. ИҚТИСОДИЁТ РАҚОБАТДОШЛИГИНИНГ МОҲИЯТИНИ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

1.1. Рақобатдошлик тушунчасининг моҳияти, омиллари, барқарор иқтисодий ривожланишдаги роли.....

1.2. Рақобатбардошликни ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни таҳлил қилиш методикаси .....

1.3. Ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш рақобатбардошликни оширишнинг асосидир.....

### **II.БОБ. “ЧИН САИДАХРОР ЕРЛАРИ” ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИНГ ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРНИ ТАҲЛИЛИ**

2.1. Хўжаликни шаклланиш тарихи ва бошқарув структураси.....

2.2. Хўжаликнинг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили.....

2.3. Асосий воситалардан фойдаланиш ҳолати таҳлили.....

### **III.БОБ. МАХСУЛОТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШНИ АМАЛИЙ ЙЎЛЛАРИ**

3.1. Мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатдошлигини таъминлаш йўллари.....

3.2. Фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш учун яратилган шарт-шароитлар.....

**ХУЛОСА** .....

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**.....

**ИЛОВАЛАР**.....

## Кириш

Республикамызда ҳозирги кунда барча соҳалар каби қишлоқ хўжалиги тармоғида ҳам иқтисодий ислоҳотлар олиб борилмоқда. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида қишлоқ хўжалиги соҳаларида етиштирилган маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишга доир бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Шунга қарамасдан, ҳанузгача етиштирилган маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишда бир қатор муаммолар мавжуд. Бу муаммоларни бартараф этиш—бугунги кун талабидир.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мамлакатимиз аграр тармоқни ривожлантириш орқали, аҳолини турмуш даражаси фаровонлигини оширишга, уларни ўсиб келаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга эришиш мумкин. Лекин, бу соҳадаги мавжуд муаммолар, маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишга ва ресурслардан оқилона фойдаланишга кам эътибор берилмоқда. Бунинг салбий оқибатида етиштирилган маҳсулотларни рақобатбардошлиги пасаймоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг таркибий тузилишини такомиллаштириш вазифаси иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда доимо диққатимиз марказида бўлиб, иқтисодий ривожланиш борасида эришган ютуқларимизнинг муҳим омили ҳисобланади. Жаҳон иқтисодиётида кечаётган мураккаб жараёнлар иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш учун унинг таркибий тузилишини муттасил такомиллаштириб бориш заруратини янада кучайтирди. Чунки дунёдаги ҳар қандай мамлакатнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари рақобатбардошлиги энг аввало унинг иқтисодиёти қанчалик рақобатга дош бериши билан белгиланади.

Республикамыз Президенти И.Каримов томонидан ишлаб чиқилган давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши дастурларининг асоси бўлган бозор ва бозор муносабатлари тизимида ҳар бир тармоқни ривожлантириш орқали юқори самарали натижаларга эришиш кўзда тутилган. Айниқса аграр

тармоқни ривожлантиришда бу дастурнинг аҳамияти катта бўлиб, унинг ижобий бажарилиши тез орада ўз самарасини бериб келмоқда. Аввало, фермерларнинг мулкка эгалик ҳиссининг ортиши, эркин иқтисодий фаолият юритиши, даромад олиши, уни ўзи эркин тақсимлаш ҳамда тасарруф этиш имконияти пайдо бўлди. Республика аграр соҳасида фаолият юритаётган фермер хўжаликлари бошқа субъектларга нисбатан амалиётда ўзининг иқтисодий устунликларини кўрсатиб келмоқда. .

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар, корхоналар фаолиятини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар туфайли миллий иқтисодиётимизда фермер хўжаликларини мавқеи ва аҳамияти кун сайин юксалиб бормоқда.

Президентимиз Ислон Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида бу муаммога алоҳида тўхталиб, “Биринчи даражали эътибор мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш бўйича дастур тайёрлаш ва уни амалга оширишга қаратилиши зарур.”<sup>1</sup>, деб таъкидлади.

Юртбошимиз томонидан илгари сурилган ғоялардан билиш мумкинки, худудда қишлоқ хўжалиги соҳасида маҳсулотлар етиштириш рақобатбардошлигини ошириш бўйича ҳуқуқий асослар, **илғор хорижий мамлакатлар томонидан эришилаётган қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ютуқларни амалиётга тадбиқ этиш долзарбдир.**

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Президент Ислон Каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 2012 йил 30 январь,

Битирув малакавий ишини ёзишдан асосий мақсад – фермер хўжаликлариди етиштирилган махсулотлар рақобатбардошлигини ошириш орқали, уларнинг таннарҳини камайтириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқишдир. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб ишга қуйидаги бир қатор вазибаларни қўямиз:

- Иқтисодиёт рақобатдошлигининг моҳиятини илмий-назарий асосларини очиб бериш;
- Рақобатбардошликни ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни таҳлил қилиш методикасини ўрганиш;
- “Чин Саидахрор ерлари” фермер хўжалигининг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил қилиш;
- Асосий воситалардан фойдаланиш ҳолатини йиллар бўйича таҳлил қилиш;
- Махсулот рақобатбардошлигини оширишни амалий йўлларини ёритиш.

Битирув малакавий ишининг объекти сифатида Андижон вилояти Балиқчи туманида “Намуна” массивида жойлашган “Чин Саидахрор ерлари” фермер хўжалиги ва унинг ҳисоботлари олинган.

Битирув малакавий ишининг структураси кириш, учта боб, ҳулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

# **I.Боб Иқтисодиёт рақобатдошлигининг моҳиятини илмий-назарий асослари**

## **1.1. Рақобатдошлик тушунчасининг моҳияти, омиллари, барқарор иқтисодий ривожланишдаги роли**

Ҳозирги жаҳон бозорларидаги беқарорлик шароитида мамлакатимизни барқарор ривожлантириш вазифасини ҳал этишда иқтисодиётнинг рақобатдошлигини таъминлаш масаласи устувор аҳамият касб этади.

Маълумки, иқтисодиётнинг рақобатдошлиги турли шакл ва даражаларда намоён бўлади. Булар:

- мамлакат корхоналари ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг рақобатдошлиги;
- мамлакат корхоналарининг (фирмаларининг) рақобатдошлиги;
- мамлакт иқтисодиёти тармоқларининг рақобатдошлиги;
- миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлиги;
- мамлакатнинг рақобатдошлиги.

Айрим мутахассислар рақобатдошликнинг охириги икки шаклини бирлаштириб таърифлайди ҳамда бу таснифга ходимларнинг рақобатдошлигини ҳам қўшадилар.

Маҳсулотнинг рақобатдошлиги унинг сифати ва нархига кўра шу турдаги бошқа ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотидан устунлиги билан белгиланади.

Ҳўжаликларнинг рақобатдошлиги эса турдош, рақобатлашувчи хўжаликларга нисбатан бир хил ёки ўрнини босувчи маҳсулотларни истеъмол характеристикалари бўйича сифатли ва пастроқ нархларда ишлаб чиқариш ҳамда етказиб бериш имконияти билан белгиланади.

Ҳўжаликларнинг рақобатдаги устунликларини бир қатор омиллар белгилаб беради. Буларни икки гуруҳга ажратиш мумкин:

- 1) миллий компанияларнинг ривожланиш даражаси;

## 2) макроиқтисодий бизнес муҳитнинг сифати<sup>2</sup>.

Швейцариянинг Давос шахрида ҳар йили бўлиб ўтадиган Жаҳон иқтисодий форумининг иштирокчилари маърузаларида хўжаликлар даражасидаги рақобатдошлик тўртта асосий омил билан боғлиқ экани таъкидланган:

- ресурслар (мамлакатда корхона маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши учун ресурсларнинг мавжудлиги, ҳажми ва сифати);

- ташқи рақобат;

- талаб;

- тармоқлараро алоқалар.

Худди шундай таърифни кенгайтирилган ҳолда тармоқларнинг рақобатдошлигига ҳам берса бўлади.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлилиги – ҳалол рақобат шароитида жаҳон бозори талабларини қондирувчи, иқтисодий ўсиш ва турмуш сифатини оширишни таъминлайдиган товарларни ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳамда ўрта ва узоқ муддатга иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаб туриш қобилиятидир.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлиги масаласи доимо иқтисодчи олимларнинг диққат марказида бўлиб келган. Ушбу масаладаги замонавий назарияларнинг кўпига асос бўлган фикрлар М.Портернинг изланишларида ёритилган.

М. Портер мамлакат иқтисодиётининг рақобатдошлиги унинг ресурслар билан яхши таъминлангангагина боғлиқ эмаслигини, рақобат устунлигини шакллантириш, таъминлаб туриш мумкинлигини кўрсатиб берди ва унга мамлакат фирмаларининг рақобатдошлигини таъминлаш орқали эришилади, деган фикрни илгари сурди.

Рақобатдошликни шакллантириш ва ривожлантиришнинг М.Портер концепциясига кўра, мамлакатнинг рақобат жиҳатдан устунликлари “миллий ромб”ни ташкил этувчи тўртта унсурдан иборат.

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш муаммолари: назария ва амалиёт/ муаллифлар жамоаси: П.Алимов, А.Расулев, А.Қодиров ва бошқ. –Т.: Konsauditinform-Nashr. 2006, 14-б.

Қуйида “миллий ромб” ни ташкил этувчи унсурларга қисқача тўхталиб ўтамиз.

1. Меҳнат, материал, билим, пул, инфратузилма ресурслари билан таъминланиш мамлакатнинг рақобатдошлигига ижобий таъсир кўрсатади. Бу ресурсларнинг баъзилари олдиндан мавжуд бўлса, айримлари яратилади ва ривожлантирилади.

2. Мамлакатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга ички ва ташқи бозорлардаги талабнинг ҳажми, таркиби ва уларнинг ўзгариши миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигига бевосита таъсир кўрсатади. Бу маҳсулотларга талаб ҳажмининг ошиши миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигини оширади ва аксинча.



**1.1.1-расм. Мамлактнинг рақобат жиҳатдан усунлигини ташкил этувчи унсурлар (М.Портернинг рақобат устунликлари ромби).**

3. Рақобатдош ҳамкор тармоқларнинг мавжудлиги мураккаб маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, қиммат ресурсларни мамлакат ичидан топиш, маҳсулот етказиб берувчилар фаолиятини мувофиқлаштириш, янгиликларни жорий қилишга қўмаклашиш имконини беради. Минглаб бутловчи қисмларни талаб этувчи автомобилларни ишлаб чиқаришда рақобатбардош бўлиш шу қисмларнинг аксариятининг мамлакатда ишлаб чиқарилишини йўлга қўймасдан мумкин бўлмаганидек, қимёвий толалар, тугмалар ва сифатли бўёқлар ишлаб чиқарувчи корхоналар мамлакатда мавжуд бўлмаса, биргина пахта хомашёсининг мўл-кўллиги кўйлак ишлаб чиқаришда рақобатдошликни таъминлаш учун етарли бўлмайди.

4. Фирмани бошқаришда рақобатнинг хусусиятлари эътиборга олинади. Бунда турлича стратегия ва мақсадлар ишлаб чиқилади. Ички бозорда кескин рақобатнинг мавжудлиги фирмаларни ўз фаолиятини такомиллаштиришга, ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун ташқи бозорларга чиқишга ундайди. Кучли ички рақобат муҳитида тобланган фирмалар ташқи бозорларда ҳам осонроқ муваффақиятга эришади. Шу сабабли ҳукуматнинг мамлакат ичида эркин рақобат муҳитини яратиш, монополлашувга қарши курашиш каби чора-тадбирлари муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу тўрт унсурга ҳукуматнинг фаолияти ва тасодифий ҳолатлар таъсир кўрсатади.

Тасодифлар жумласига мамлакатни ривожлантиришнинг умумий шарт-шароитлари билан боғлиқ бўлмаган, юзага келишига фирма ҳам, давлат ҳам таъсир кўрсата олмайдиган ҳодисалар киради. Уларга ихтирочилик, йирик технологик ютуқлар, ресурслар нархининг кескин кўтарилиши, жаҳон молиявий бозорлари конъюктураси ва алмашинув курсларининг, ташқи талабнинг кескин ўзгариши, чет эл ҳукуматларининг сиёсий қарорлари, урушлар ва табиий офатларни киритиш мумкин.

Ҳукумат миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигини ҳар тўрт унсурга таъсир кўрсатиш орқали шакллантиради ва ўзгартиради.

Демак, миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлик даражаси унинг табиий ресурс салоҳияти, меҳнат ресурсларининг сони ва сифати (малака даражаси), ишлаб чиқаришнинг техник-технологик модернизациялашганлик даражаси, иқтисодиёт таркибий тузилишининг такомиллашуви ва диверсификациялашуви, бизнес юритиш учун яратилган шарт-шароитларнинг қулайлиги, мамлакат корхоналарида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга бўлган талаб ҳажми, давлатнинг иқтисодий ривожланиш ҳамда ислохотлар стратегияси қай даражада илмий асослангани ва ўзгаришлар жараёнларини ҳисобга олгани ҳамда бошқа бир қанча омилларга боғлиқ, деб хулоса қилиш мумкин.

Бугунги кунда миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлиги тушунчаси билан бир қаторда мамлакатнинг рақобатдошлиги атамаси ҳам қўлланмоқда.

IMD (Лозаннадаги Менежментни ривожлантиш институти) томонидан берилган таърифга кўра мамлакатнинг рақобатдошлиги миллатнинг рақобатбардош бизнес юзага келадиган муҳитни яратиш ва таъминлаб туришига қодирлигидир.

Менежментни ривожлантириш институти берган ушбу таъриф кенг қамровли бўлиб, унда далаатнинг рақобатдошликни таъминлашдаги роли катталиги ва фаол бўлиши зарурлиги ўз аксини топган. Чунки сиёсий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш, фаол монетар ва фискал сиёсат олиб бориш, иқтисодиёт ва молия соҳасини тартибга солувчи қонунларни такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиётининг таркибий тузилишини такомиллаштириш, уни модернизация қилиш, инфратузилма тармоқларини ривожлантириш, таълим соҳасини ислоҳ этиш рақобатдош бизнес юзага келишининг ҳал қилувчи омилларидир.

“Замонавий рақобат курашида сўз, биринчи навбатда, ресурслар, моддий бойликларга эгалик тўғрисида эмас, балки янгиликларни жорий эта олиш қобилияти тўғрисида боради”.<sup>3</sup>

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон: жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, инновацион тараққиёт ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш /ЎЗР ФАИқтисодиёт институти; А.Ф.Расулевнинг таҳрири остида, - Т.:KONSAUDITINFORM-NASHR, 2011. 6-6.

Янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, замонавий технологик ускуна ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришнинг илғор усулларини амалиётга киритиш, янги бозорларга кириб бориш орқалигина глобал ўзгаришлар шароитида рақобатдошликни таъминлаб туриш мумкин.

Республикада иқтисодиётнинг рақобатдошлигини таъминлаш учун комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ( 1.1.2-расм).

Мустақиллик йилларида иқтисодиётнинг таркибий тузилишида жиддий сифат ўзгаришлари амалга оширилди. Аввало, ёқилғи-энергетика саноатини ривожлантириш орқали энергетика мустақиллигига эришилди. Энергетика ва кейинчалик дон мустақиллигига эришиш иқтисодиётимизнинг ташқи таъсирларга бардошлилиги даражасини оширди.

Мамлакатимиз учун янги бўлган автомобилсизлик саноатининг барпо қилиниши бу тармоқ билан кооперация асосида ишловчи ўнлаб корхоналарнинг ташкил этилишига олиб келмоқда. Биргина ўтган 2011 йилда 221 минг 400 та енгил автомобиль, 964 та автобус ишлаб чиқарилди. Юртимизда ишлаб чиқарилаётган автомобилларнинг хорижий мамлакатлар бозорларида рақобатдошлиги уларни экспорт қилиш кўлами кенгайишига асос бўлди.

Инвесторлар учун яратилган қулай инвестиция муҳити иқтисодиётни модернизация қилиш ва техник қайта қуроллантириш дастурларини муваффақият билан амалга оширишга ижобий таъсир кўрсатди. Янгидан барпо қилинган ва модернизация қилинган корхоналарда рақобатдош, юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

**Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган ва иқтисодиётнинг рақобатдошлигининг ошишига ижобий таъсир кўрсатган чора-тадбирлар**

Иқтисодиётда фаол таркибий ўзгаришлар амалга оширилди. ЯИМ таркибида саноат ва хизматлар соҳасининг улуши ортди. Саноат маҳсулоти ва экспортнинг умумий ҳажмида қўшилган қийматнинг ҳиссаси юқори бўлган тайёр маҳсулотлар улуши ошди.

Саноат диверсификация қилинди. Республикаимиз учун янги бўлган тармоқлар барпо этилди ва маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу маҳсулотлар импорт ўрнини босиши билан бирга, экспорт ҳажми ошишига ҳам ижобий таъсир кўрсатди.

Жаҳон бозоридаги конъюктура ўзгаришларига кам таъсирчан бўлган хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси жадал ривожлантирилди. Бу эса жаҳон моливий-иқтисодий инқироzi шароитида ЯИМнинг барқарор ўсиши, янги иш жойлари яратиш ва аҳоли даромадларини оширишнинг муҳим омили бўлди.

Хомашё, материаллар ва бутловчи қисмларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш орқали мамлакат ишлаб чиқарувчилари ва истеъмолчиларининг ташқи бозорларга қарамлиги даражаси пасайтирилди, валюта ресурслари тежалди, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннаҳи пасайтирилди.

Экспорт қилинаётган маҳсулотлар диверсификация қилинди, улар сотилаётган давлатлар сони кенгайтирилди. Бу чора-тадбирлар жаҳон бозоридаги конъюктура ўзгаришлари шароитида ҳам экспорт ҳажмини кўпайтириш, тўлов баланси барқарорлигини таъминлаш имконини берди.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник қайта қурулантиришга, янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга инвестиция киритаётган, маҳсулот экспорт қилувчи корхоналар учун солиқ ва божхона имтиёзлари жорий қилинди, имтиёзли шартларда кредитлаш тартиби киритилди.

Товарлар ва хизматларга бўлган ички талабни кенгайтириш учун аҳоли даромадларини, хусусан, бюджет ташкилотларида ишловчиларнинг иш ҳақини ошириш чоралари кўрилди.

Ишлаб чиқариш (транспорт коммуникациялари, ахборот ва коммуникация технологиялари) ва бозор инфратузилмасини жадал ривожлантириш орқали бизнес қиритиш шароитлари яхшиланди.

Рақобатни ҳимоя қилиш, монополлашувга қарши кураш тизими барпо этилди.

Бизнесни, ташқи иқтисодий фаолиятни қўллаб-қувватловчи ва тартибга солувчи механизмлар шаклланди.

Макроиқтисодий барқарорлик таъминланди, инфляция, валюта курсининг девалвацияси суръатларининг паст бўлишига эришилди.

Хорижий давлатлар билан иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш, ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш чоралари билан бирга, ички бозорни, хусусан, мамлакат ишлаб чиқарувчиларини тенг бўлмаган рақобатдан ҳимолаш чоралари кўрилди.

**1.1.2-расм. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг рақобатдошлигини ошириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар.**

## **1.2. Рақобатбардошликни ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни таҳлил қилиш методикаси**

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида рақобатбардошликни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодиётни эркинлаштириш ислохотларнинг биринчи босқичида мулкни давлат тасарруфидан чиқариб кўп мулкчиликка асосланган иқтисодиётни шакллантириш бўлса, ундан кейинги босқичларида давлатнинг хусусий тадбиркорлар фаолиятига аралашмаслик масаласи долзарб бўлди. Бугунги кунда Президентимиз таъкидлаганларидек: Содда қилиб айтадиган бўлсак, эркинлаштириш дегани - бу қўл оёғимизни кишан каби боғлаб турган хар қандай тўсиқлардан бутунлай халос бўлиш дегани. Агар хар қандай тўсиқлардан бутунлай халос бўлсак, биз эркин рақобат асосида ривожланадиган иқтисодиётни шакллантирган бўламиз. Бу эса ўз навбатида, рақобат ва рақобатбардошликнинг назарий ва методологик муаммоларини тадқиқ қилишни тақозо қилади.

Аслида рақобат сўзи латинча – “concurrentia” сўзидан келиб чиққан бўлиб тўқнашмоқни англатади. Аммо рақобатнинг таърифи ҳақида олимларимиз ҳамон бир фикрга кела олган эмас. Бу борада айрим олимларнинг қарашларига тўхталишни мақсага мувофиқ деб топдик. Жумладан, А.Н.Азрилиян раҳбарлигидаги муаллифлар жамоаси рақобатга кўйидагича таъриф беради: “Товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги капитал, хом ашё ва бозорни таъминлаш учун қулай соҳани эгаллашга қаратилган мусобақа”.<sup>4</sup> А.М.Румянцев раҳбарлигидаги муаллифлар жамоаси эса “Товар ишлаб чиқаришга хос, хусусий мулкчиликка асосланган бўлиб, хусусий товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида товарни ишлаб чиқариш ва сотишда қулай шароит учун муросасиз кураш жараёни.”<sup>5</sup> – деб таъкидлайдилар. Айрим олимлар эса, рақобатни бозордаги кураш тарзида идрок қилади. Хусусан, А.Г.Грязнова раҳбарлигидаги муаллифлар жамоаси рақобатни

---

<sup>4</sup> Большой экономический словарь. М.: Институт новой экономики. 1999. – 375 бет.

<sup>5</sup> Экономическая энциклопедия. Политическая экономия. М.: СЭ. 1975. – 214-215 бетлар

“Истеъмолчиларнинг чегараланган талабини қондириш учун турли фирмалар ўртасида ўзларига мақбул бўлган бозордаги кураши”<sup>6</sup> – деб кўрсатадилар. Шунга яқин фикрларни яна бир гуруҳ олимлар ҳам таъкидлашадилар. В.И.Видяпин ва Г.П.Журавлёвалар раҳбарлигидаги муаллифлар жамоаси рақобатни “Бозор муносабатлари иштирокчиларининг товарни ишлаб чиқариш ва сотишда қулай шароитга эга бўлиши учун кураш жараёни”<sup>7</sup> – сифатида қарайдилар. Бироқ, айрим олимлар ушбу масалага бошқачароқ ёндашадилар. Масалан, Н.Грегори Монкью “Бозор рақобати – кўп сотувчи ва кўп харидорга эга бўлган бозор бўлиб, уларнинг ҳар бирининг бозор баҳосига маълум миқдорда таъсир этишидир”<sup>8</sup> – деб уқтиради. Булардан кўриниб турибдики, хали олимларимиз олдида рақобат тушунчасига назарий ва амалий жихатдан асосланган таърифини ишлаб чиқиш муаммоси долзарб бўлиб турибди.

Рақобатнинг таърифини ишлаб чиқишда қанча муаммо бўлганлиги сингари, унинг шакллари хусусида ҳам анча ечимини кутаётган муаммолар мавжуд. Мамлакатимизда чоп этилаётган иқтисодиётга оид кўпгина адабиётларда рақобатнинг 3 та тури: такомиллашган, олигополлашган ва монополлашган рақобатларни келтирадилар. Бизнинг тадқиқотлар кўрсатдики ҳозирги пайтда жаҳон амалиётида ва мамлакатимизда рақобатнинг қўйидаги шакллари мавжуд: такомиллашган рақобат, олигополлашган рақобат, монополлашган рақобат, такомиллашмаган рақобат, ҳалол рақобат, ғирром рақобат, хорижий рақобат, жаҳон бозори рақобати, очик рақобат, хаёлий рақобат, баҳоли рақобат, баҳосиз рақобат, бозор рақобати, маркетинг рақобати, шафқатсиз рақобат. Ушбу рақобатлар тушунчалари қўйидаги жадвалда келтирилган (1.2.1 – жадвал).

1.2.1 – жадвал

---

<sup>6</sup> Микроэкономика. Теория и Российская практика. М.: ИТД КноРус., 1999. – 248 бет.

<sup>7</sup> Общая экономическая теория. Учебник. М.: Промо-Медиа., 1995. – 117 бет.

<sup>8</sup> Принципы экономикс. Санкт-Петербург. Питер., 1999. – 88 бет.

**Эркин иқтисодиёт шароитида рақобатнинг шакллари  
ва уларнинг мазмуни\***

<b>Рақобат шакллари</b>	<b>ИЗОҲИ</b>
Такомиллашган рақобат	Эркин бозорда жуда кўп субъектларнинг бир хил маҳсулотлар билан бир хил мавқеига эга бўлган ҳолда иштирок этиши
Олигополлашган рақобат	Маълум даражада чегараланган бўлиб бозордаги товарни ишлаб чиқариш ва сотишда озчиликни ташкил қиладиган бир қанча йирик корхоналарнинг иштироки
Монополлашган рақобат	Бозорда битта йирик корхонанинг бир хил товар бўйича юз фоиз ишлаб чиқариб сотишда ўз назорати ва ҳукмронлигини ўтказиши
Ҳалол рақобат	Жуда кўп майда сотувчи ва харидорларнинг бозорда тегишли тўлиқ ахборотларга эга бўлсада бозорнинг талабини, товар ҳажми ва нарҳини назорат қилиш имкони бўлмаган ҳолда иштирок этиши
Ғирром рақобат	Субъектларнинг бозорда ўрнатилган рақобатга оид тартиб ва қоидаларига амал қилмасдан, ўз манфаатини устун қўйган ҳолда, ғирромлик йўлини тутиб иштирок этиши
Хорижий рақобат	Мазкур мамлакат субъектларининг хориждан импорт қилинган товарлари таъсирида бўлиши
Очиқ рақобат	Бир хил маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқарувчи субъектлар ўртасида уларнинг баҳоси тўғрисида ахборотларнинг очиқ бўлишини таъминлаган ҳола фаолият кўрсатиши
Баҳоли рақобат	Рақобатчиларнинг бир хил сифатдаги товарларига нисбатан кам баҳода сотиш эвазига харидорларни жалб қилиш жараёни
Баҳосиз рақобат	Баҳони инобатга олмасдан маҳсулот (иш, хизмат) нинг сифатини ошириш, илғор технологияларни жорий қилиш эвазига харидорларни жалб қилиш жараёни
Бозор рақобати	Ҳар бир субъектнинг бозорда ўз мавқеини сақлаб қолиш учун ишлаб чиқариш ва сотиш соҳасида қиладиган ҳаракатлар жараёни
Маркетинг рақобати	Харидорларнинг талабидан келиб чиқиб, товарлар баҳосини ўзгартириш, баҳосини ўзгартирмаган ҳолда, уларнинг сифатини яхшилашга қаратилган рақобат

Рақобатнинг турли бўлиши, унинг кўплиги ёки камлиги ҳали масалани батафсил ҳал қилди дегани эмас. Рақобат ўзининг мазмун моҳиятига кўра,

яшаш учун кураш жараёнидир. Аммо бу ҳақиқатни ҳамма ҳам тўғри тушуниб етмадилар. Давлат мулки асосан хусусийлаштирилди ва бу жараён давом этмоқда. Бироқ, жуда кўп тадбиркорлар хусусийлаштиришни фақат мулкка эгалик қилиш, энди ўз манафатим учун ишлайман, ўзим бойисам бўлди қабилида тушундилар. Шу туфайли жуда кўп бино ва иншоотлар хусусийлаштирилгандан кейин бузилиб, сотиб юборилди. Хусусийлаштириш деганда гап, Президентимиз таъкидлаганларидек – “...ўзига теккан мулкни шамолга совурмасдан ёки шахсий бойлик орттириш манбаига айлантириб юбормасдан, балки ана шу мулкни кўпайтира биладиган, техника билан қайта жихозлайдиган ва замон талабларига мувофиқ такомиллаштира оладиган, унинг негизида рақобатга бардошли маҳсулот чиқаришни йўлга қўя оладиган мулкдор ҳақида бораётир. Шунингдек иш билан банд бўлмаган аҳолини иш ўринлари билан таъминлайдиган, ўзига ҳам, ишловчиларга ҳам, давлатга ҳам даромад келтирадиган ишлаб чиқаришни ташкил қила оладиган мулкдор ҳақида бораётир. Бу ҳолатлар рақобатнинг жуда катта ижобий жихатларидан далолат бериб турибди. Шу билан бирга у маълум салбий ҳолатларга ҳам олиб келиши мумкин.

Ҳозирги кунда ҳар бир ҳўжаликнинг рақобатбардошлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Бунга эришиш учун уни таҳлил қилиш йўлларини яхши билишни, унинг ҳар бир жихатини яхшилаш учун эса, тегишли бошқарув қарорларини қабул қилишни тақозо қилади. Бу эса ўз навбатида, рақобатбардошликни ифодаловчи кўрсаткичларни ишлаб чиқишни тақозо қилади. Аммо ушбу масала иқтисоий адабиётларда ҳамон ўз ечимини топган эмас. Бу муаммонинг ҳал қилиниши бўйича турли қарашлар мавжуд. Биз ушбу масала бўйича турли олимларнинг фикрига тўхталмасан ўз қарашларимизни баён қилмоқчимиз. Бизнинг фикримизча, ҳўжалик рақобатбардошлигини ифодалаш учун қуйидаги курсаткичлар тизимидан фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз:

1. Ҳўжалик маҳсулотининг бозордаги бир хил маҳсулотлардаги улуши (Кмбу)

2. Бозордаги энг кучли рақобатчи хўжалик маҳсулотининг улушига (ЭКму) нисбатан шу хўжалик маҳсулоти улуши (Кму)
3. Рақобатдаги маҳсулотни сотиш ҳажмининг ўсиш суръати (Рмўс)
4. Хўжалик маҳсулоти баҳосининг бозордаги шундай маҳсулот баҳосига нисбатан коэффициентдаги миқдори (Кбах)
5. Хўжалик маҳсулотининг сертификатланганлик даражаси (Ксер)
6. Хўжалик маҳсулотини реклама қилишдан олинган фойданинг реклама харажатларига нисбати (Крек)
7. Хўжаликнинг рақобатбардош товарларининг рентабеллик даражаси (Ррб)
8. Хўжаликда умумий рентабеллик даражаси (Р)
9. Хўжалик балансининг жорий ликвидлик даражаси (Лж)
10. Хўжалик маҳсулоти рақобатбардошлигини ифодаловчи умумлашган кўрсаткич (Мрук).

Ушбу кўрсаткичларнинг номи, аниқланиш йўллари, мазмуни ушбу жадвалда келтирилган (3-жадвал).

3-жадвал

### Хўжаликнинг рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари<sup>9</sup>

№	Кўрсаткичлар	Ҳисоблаш йўллари	Изоҳ
1.	Хўжалик маҳсулотининг бозордаги бир хил маҳсулотлардаги улуши (Кмбу)	$K_{MBV} = \frac{K_M}{B_{JM}}$	<i>К<sub>м</sub> – хўжалик маҳсулоти; Б<sub>жм</sub> – бозордаги шу маҳсулотнинг жами ҳажми</i>
2.	Бозордаги энг кучли рақобатчи хўжалик маҳсулотининг улушига (ЭКму) нисбатан шу хўжалик маҳсулоти улуши (Кму)	$K_{MV} = \frac{K_{MBV}}{ЭК_{MV}}$	

<sup>9</sup> Р. Олимова “Ўзбекистон иктисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш муаммолари: назария ва амалиёт” Т.: “KONSAUDITINFORM-NASHR” 2006 й.

3.	Рақобатдаги маҳсулотни сотиш ҳажмининг ўсиш суръати ( $P_{M\dot{C}}$ )	$P_{M\dot{C}} = \frac{P_{M.X}}{P_{M.A\dot{I}}}$	<i><math>P_{M.}</math> – Рақобатдаги сотилган маҳсулотнинг ҳақиқий миқдори; <math>P_{M.ай}</math> – шу маҳсулотнинг асос йилидаги миқдори</i>
4.	Корхона маҳсулоти баҳосининг бозордаги шундай маҳсулот баҳосига нисбатан коэффициентдаги миқдори ( $K_{бах}$ )	$K_{бах} = \frac{K_{MB}}{B_{ШМБ}}$	<i><math>K_{MB}</math> – корхона маҳсулотининг баҳоси; <math>B_{ШМБ}</math> – бозордаги шундай маҳсулотлар баҳоси</i>
5.	Ҳўжалик маҳсулотининг сертификатланганлик даражаси ( $K_{сер}$ )	$K_{сер} = \frac{C_M}{Ж_M}$	<i><math>C_M</math> – сертификатланган маҳсулотлар; <math>Ж_M</math> – жами маҳсулотлар</i>
6.	Ҳўжаликда маҳсулотини реклама қилишдан олинган фойданинг реклама харажатларига нисбати ( $K_{рек}$ )	$K_{рек} = \frac{P_{ЕКФ}}{P_{ЕКХ}}$	<i><math>P_{ЕКФ}</math> – реклама қилинган товарлар бўйича олинган фойда; <math>P_{ЕКХ}</math> – шу товарни реклама қилиш учун кетган харажатлар</i>
7.	Ҳўжаликнинг рақобатбардош товарларининг рентабеллик даражаси ( $P_{рб}$ )	$P_{рб} = \frac{P_{ТФ}}{P_T}$	<i><math>P_{ТФ}</math> – Рақобатдаги товарлардан олинган фойда; <math>P_T</math> – Рақобатдаги товарларнинг умумий ҳажми</i>
8.	Ҳўжаликда умумий рентабеллик даражаси ( $P$ )	$P = \frac{C_{\phi}}{Q}$	<i><math>C_{\phi}</math> – соф фойда; <math>Q</math> – сотилган маҳсулот ҳажми</i>
9.	Корхона балансининг жорий ликвидлик даражаси ( $L_{ж}$ )	$L_{ж} = \frac{Ж_A}{Ж_M}$	<i><math>Ж_A</math> – Жорий активлар; <math>Ж_M</math> – Жорий мажбуриятлар</i>
10	Ҳўжалик маҳсулоти рақобатбардошлигини ифодаловчи умумлашган кўрсаткич ( $M_{рук}$ )	$M_{рук} = \frac{M_{Т\dot{I}}}{M_{И\dot{I}}}$	<i><math>M_{Т\dot{I}}</math> – маҳсулотнинг техник йўналиши бўйича умумлашган кўрсаткичи; <math>M_{И\dot{I}}</math> – маҳсулотнинг иқтисодий йўналиши бўйича умумлашган кўрсаткичи;</i>

Таҳлил жараёнида ушбу кўрсаткичларнинг фарқи, ўтган йилларга нисбатан ўзгариши, динамикаси каби мутлақ ва нисбий миқдорлари

аниқланади, ҳар бирининг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар ҳисобланади.

Рақобатбардошликка бир қанча омиллар таъсир қилади. Улар қўйидагича:

1. Ҳўжаликнинг рақобатда иштирок этаётган маҳсулотининг яроқлилиги ва кафолат муддати давомида кўрсатиладиган хизматлар даражаси.
2. Маҳсулотни турли воситалар билан реклама қилиш даражаси ва унинг самарадорлиги.
3. Ҳўжаликнинг сервис хизматини ташкил қилиш даражаси ва унинг самарадорлиги.
4. Ҳўжаликнинг фирма ва товар белгиларининг нуфузи.
5. Ҳўжалик товарининг қадоқланган, ўралган қисмининг улуши ва уларнинг ўралмасдан сотиладиган товарларга нисбатан самарадорлиги.
6. Ҳўжалик маҳсулоти баҳосининг бозордаги талаб ва таклифга қараб ўйнатиб (ўзгартириб) турилиши.
7. Харидорни кўп харид қилишга қизиқтириш воситаларини ишга солиш санъати.
8. Маҳаллий, ҳудудий, мамлакат ва халқаро бозорда маркетинг хизматининг йўлга қўйилганлиги.
9. Умумий маҳсулот ҳажмида хорижга экспорт қилинадиган маҳсулотлар улушининг ортиб бориши (бу бозорнинг кенглигидан далолат беради) ва ҳ.к.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоики, рақобатбардошлик ҳақида хали тадқиқотлар етарли даражада олиб борилган эмас.

### **1.3. Ишлаб чиқариш харажатларини камаййтириш рақобатбардошликни оширишнинг асосидир.**

Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари тушунчасида маҳсулот таннарҳининг аҳамияти каттадир. Ишлаб чиқарилган маҳсулот таннарҳи тушунчасини изоҳлашда бир қатор иқтисодчи олимлар томонидан мунозарали ғоялар мавжуд. Иқтисодчи-олимлар аксарияти, товарнинг қийматини унинг натижалчилиги билан билсалар, айримлари товар қиймати – ишлаб чиқарувчиларнинг товарда гавдаланган ва унда моддийлашган ижтимоий меҳнати, деб ҳисоблайдилар. Бошқалари эса товарнинг қийматини ушбу товарга бўлган талаб ва таклиф, яъни товарнинг ноёблиги белгилайди, деб ҳисоблайдилар.

Умуман олганда, товарнинг қиймати унинг бошқа товарга айирбошлана олиш даражасини аниқлаш учун зарурдир. Нарҳ (баҳо) ва қиймат тушунчалари орасида деярли фарқ йўқ. Фақатгина нарҳ (баҳо) – бу товар қийматининг пулдаги ифодасидир холос.

Иқтисодиётда маҳсулот ишлаб чиқариш таннарҳи категориясидан ҳам кенг фойдаланилади. Қиймат ва ишлаб чиқариш таннарҳи ўртасидаги тафовут ишлаб чиқариш субъектининг даромади ёки фойдаси ҳисобланади. Маҳсулот ишлаб чиқариш таннарҳи – товарни ишлаб чиқариш билан, яъни ишлаб чиқариш технологияси билан боғлиқ бўлган харажатларнинг пулдаги ифодасидир. Ҳозирги кунда корхоналар олдида турган асосий вазифалардан бири – бу маҳсулот ишлаб чиқариш таннарҳини пасайтириш ва шу орқали маҳсулотнинг рақобатбардошлилигини оширишдир. Бу вазифанинг бажарилиши натижасида ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ва аҳолининг турмуш даражасини оширишга имконият яратилади. Айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида барча мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш бу кўрсаткичларнинг родини ошириш заруриятини тақозо этади. Шу сабабли таннарҳ атамасининг моҳияти, аҳамияти, мазмуни ва шаклларини яхши билиш ҳамда уни қандай қилиб пасайтириш масаласига катта эътибор бериш - ҳозирги куннинг талабидир.

Корхоналарда бирон-бир маҳсулот ишлаб чиқариш учун маълум миқдорда ҳом ашё ва материаллар, меҳнат ва бошқа ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган юклама харажатлар сарфланади. Маҳсулот ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган харажатларнинг пулдаги ифодаси маҳсулот ишлаб чиқариш таннарҳи деб аталади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш таннарҳи кўрсаткичи ишлаб чиқаришни ривожлантиришда ва уни ташкил этишда муҳим роль ўйнайди.

Маҳсулот ишлаб чиқариш таннарҳини пасайтириш, маҳсулотнинг рақобатбардошлилигини, ишлаб чиқариш рентабеллигини ошириш, яъни фойдани кўпайтиришнинг, мавжуд ресурслар билан ишлаб чиқариш ҳажмини ўстиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Маҳсулот ишлаб чиқариш таннарҳи кўрсаткичи ишлаб чиқариш сифат кўрсаткичлари орасида алоҳида ўрин тутаяди.

Ишлаб чиқаришни ва меҳнатни ташкил этиш, техника ва материаллардан фойдаланиш, моддий техника таъминотини такомиллаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш борасидаги ҳамма ўзгаришлар харажатлар даражасида акс этади. Шу сабабли ҳам биз маҳсулот таннарҳи ишлаб чиқариш самарадорлигининг сифат кўрсаткичлари тизимида муҳим ўрин эгаллайди, дея оламиз. Бинобарин, шунинг учун ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш таннарҳини ҳосил қилувчи харажатларни уларнинг иқтисодий мазмунига кўра гуруҳлаш муҳим аҳамият касб этади.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннарҳини ҳосил қилувчи харажатлар уларнинг иқтисодий мазмунига кўра қуйидаги элементлар билан гуруҳларга ажратилади:

- ишлаб чиқаришнинг моддий харажатлари (қайтариладиган чиқитлар қиймати чиқарилиб ташланган ҳолда);
- ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;
- ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар;

- асосий фондлар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси;

- ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ моддий харажатларга қуйидагилар тегишли бўлади:

1. Ишлаб чиқариладиган маҳсулот асосини ташкил этиб унинг таркибига кирадиган ёки маҳсулот тайёрлашда (ишларни бажаришда, хизматлар кўрсатишда) зарур таркибий қисм ҳисодланган четдан сотиб олинadиган ҳом ашё ва материаллар.

2. Нормал технология жараёнини таъминлаш ва маҳсулотларни ўраш учун маҳсулот (ишлар, хизматлар) ёки бошқа ишлаб чиқариш эҳтиёжларига сарфланадиган (асбоб-ускуналар, бинолар, иншоотлар ва бошқа асосий воситалар синовини ўтказиш, назорат қилиш, сақлаш, тузатиш ва улардан фойдаланиш) учун ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланадиган, харид қилинадиган материаллар, шунингдек, асбоб-ускуналарни тузатиш учун эҳтиёт қисмлар, инструментлар, мосламалар, инвентар, приборлар лаборатория асбоб-ускуналари ва асосий фондларга кирмайдиган бошқа арзонбаҳо ашёларнинг эскириши.

3. Сотиб олинadиган, келгусида ушбу хўжалик юритувчи субъектда монтаж қилинадиган ёки қўшимча ишлов бериладиган бутловчи буюмлар ва яримтайёр маҳсулотлар.

4. Ташқи юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектнинг ички таркибий бўлинмалари томонидан бажариладиган фаолиятнинг асосий турига тегишли бўлмаган, лекин ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган ишлар ва хизматлар.

Ишлаб чиқариш характериға эга бўлган ишлар ва хизматларға маҳсулот тайёрлаш бўйича айрим операцияларни бажариш, хомашё ва материалларға ишлов бериш, истеъмол қилинаётган хомашё ва материаллар

сифатини аниқлаш учун синовлар ўтказиш, белгиланган технологик жараёнларга риоя этилиши устидан назорат қилиш, асосий ишлаб чиқариш фондларини тузатиш ва бошқалар тегишли бўлади.

Хўжалик юритувчи субъект ичида ташқи юридик шахсларнинг транспорт хизматлари (хомашё, материаллар, деталлар, инструментлар, инвентарлар, юкларнинг бошқа турларини базис (марказий) омбордан цехга келтириш ва тайёр маҳсулотни сақлаш учун омборга келтириш) ҳам ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган хизматларга тегишли бўлади.

5. Технологик мақсадларга, энергиянинг барча турларини ишлаб чиқаришга, биноларни иситишга сарфланадиган ёнилғининг четдан сотиб олиннадиган барча турлари, хўжалик юритувчи субъектларнинг транспорти томонидан бажариладиган ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш бўйича транспорт ишлари.

6. Хўжалик юритувчи субъектнинг технологик, транспорт ва бошқа ишлаб чиқариш ҳамда хўжалик эҳтиёжларига сарфланадиган барча турдаги харид қилинадиган энергия. (Хўжалик юритувчи субъектнинг ўзи томонидан ишлаб чиқариладиган электр энергияси ва энергиянинг бошқа турларига, шунингдек, харид қилинадиган энергияни истеъмол жойигача трансформация қилиш ва узатиш харажатлари харажатларнинг тегишли элементларига киритилади).

7. Ишлаб чиқариш соҳасида моддий бойликларнинг табиий йўқолиш нормалари доирасида ва улардан ортиқча йўқотилиши, яроқсизланиши ва кам чиқиши.

8. Хўжалик юритувчи субъектнинг транспорти ва ходимлари томонидан моддий ресурсларни етказиш билан боғлиқ харажатлар (юклаш ва тушириш ишлари ҳам шу жумлага киради) ишлаб чиқариш харажатларининг тегишли элементларига кириши керак (меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, асосий фондлар амортизацияси, моддий харажатлар ва бошқалар).

9. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан моддий ресурсларни етказиб берувчилардан олинадиган идишлар ҳам моддий ресурслар қийматига киритилади.

10. Маҳсулот таннарҳига киритиладиган моддий ресурслар харажатларидан қайтариладиган чиқитлар қиймати, идиш ва ўраш-жойлаш материаллари қиймати уларнинг амалда сотилиши, фойдаланиши ёки омборга кирим қилиниши нарҳи бўйича чиқариб ташланади.

11. Моддий харажатлар элементи бўйича акс эттириладиган моддий ресурслар қиймати сотиб олиш нарҳидан, жумладан, бартер битишувларида, қўшимча нарҳ (устама)дан, таъминот, ташқи иқтисодий ташкилотлар томонидан тўланадиган воситачилик тақдирлашларидан, товар биржалари хизматлари қийматидан, хусусан, брокерлик хизматларидан, божлар ва йиғимлардан, транспортда ташишга ҳақ тўлашдан, ташқи юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган сақлаш ва етказиб беришга ҳақ тўлашдан келиб чиқиб шаклланади.

Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари таркибига қуйидаги моддалар киритилади:

1. Хўжалик юритувчи субъектда қабул қилинган меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизимларига мувофиқ бажариладиган нарҳномалар, тариф ставкалари ва лавозим маошларидан келиб чиқиб ҳисобланган амалда бажариладиган иш учун ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган иш ҳақи, шу жумладан, бажарилган ишни ҳисобга олиш бўйича дастлабки ҳужжатларда назарда тутилган рағбатлантирувчи тусдаги тўловлар.

2. Касб маҳорати ва мураббийлик учун тариф ставкалари ва окладларга устамалар.

3. Иш режими ва меҳнат шароитлари билан боғлиқ бўлган компенсация тусидаги тўловлар, шу жумладан:

- технологик жараён жадвалида назарда тутилган тунги вақтда, ишдан ташқари, вақтда, дам олиш ва байрам (ишланмайдиган) кунларда ишлаганлик учун тариф ставкалари ва окладларга устамалар ва қўшимча ҳақ;

- кўп сменали режимда ишлаганлик, касбларни бирга қўшиб олиб борганлик ва хизмат кўрсатиш зоналарини кенгайтирганлик учун устамалар;

- ҳукумат томонидан тасдиқланган касблар ва ишлар рўйхати бўйича оғир, зарарли, алоҳида зарарли меҳнат ва табиий-иқлим шароитларида ишлаганлик учун устамалар, хусусан, ушбу шароитлардаги узлуксиз иш стажи учун устамалар;

- алоқа, темир йўл, дарё, автомобиль транспорти ва катта йўллар ходимлари доимий иши йўлда ўтадиган ёки қатнов тусига эга бўлган бошқа ходимларнинг иш ҳақиға, хўжалик юритувчи субъект жойлашган жойдан жўнаган пайтидан бошлаб шу жойга қайтиб келган пайтигача тўланадиган йўлда ўтган ҳар бир сутка учун тўланадиган устамалар;

- қурилишда, реконструкция қилишда ва мукамал таъмирлашда бевосита банд бўлган, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда вахта усули билан ишларни бажарган ходимларга ишнинг кўчма ва қатнов хусусияти учун устама;

- доимий равишда ер ости ишларида банд бўлган ходимларга уларнинг шахтада (конда) иш жойига жўнаб кетишларидан ва орқага қайтишларигача ўтадиган норматив вақт учун қўшимча ҳақ;

- меҳнатга ҳақ тўлашнинг районлар бўйича тартибга солинишига, шу жумладан, район коэффицентлари ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ чўл, сувсиз ва юқори тоғ жойларида ишлаганлик учун коэффицентлар билан белгиланган тўловлар;

- хўжалик юритувчи субъект жойлашган жойдан (йиғилиш пунктдан) иш жойига ва орқага қайтадиган йўлда ўтадиган кунлар учун вахтада ишлаш жадвалида назарда тутилган, шунингдек, ходимларнинг метеорология

шароитларига кўра ва транспорт ташкилотлари айби билан йўлда тутилиб қолинган кунлар учун тариф ставкаси.

4. Иш вақти усулида ташкил этилганда, иш вақти жамланиб ҳисобланганда ва қонун ҳужжатлари билан белгиланган бошқа ҳолларда ходимларга уларга иш вақтининг нормал давом этишидан ортиқ ишлаганлиги муносабати билан бериладиган дам олиш (ортиқча ишлаган иш вақти учун дам олиш) кунлари учун ҳақ тўлаш.

5. Ишламаган вақт учун ҳақ тўлаш:

- амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ навбатдаги (ҳар йилги) ва қўшимча таътиллار, навбатдаги (ҳар йилги) фойдаланилмаган ва қўшимча таътиллар учун компенсациялар, ўсмирларнинг имтиёзли соатлари, болани овқатлантириш учун оналар ишидаги танаффуслар, шунингдек, тиббий кўриқдан ўтиш билан боғлиқ вақт учун ҳақ тўлаш;

- мажбурий таътилда бўлган ходимларга асосий иш ҳақини қисман сақлаб қолган ҳолда ҳақ тўлаш;

- донор ходимларга қонини текшириш, топшириш кунлари учун ва қон топширилган ҳар бир кундан кейин бериладиган дам олиш кунлари учун ҳақ тўлаш;

- давлат вазифаларини бажарганлик учун (ҳарбий йиғинлар, фавқулодда вазиятлар бўйича йиғинлар ва бошқалар) меҳнат ҳақи тўлаш.

6. Хўжалик юритувчи субъект штатида турмайдиган ходимлар меҳнатига улар томонидан фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги тузилган шартномалар бўйича ишлар бажарилганлиги учун ҳақ тўлаш, агар бажарилган иш учун ходимлар билан ҳисоб-китоб хўжалик юритувчи субъект томонидан амалга оширилса, пудрат шартномаси ҳам шу жумлага киради.

7. Белгиланган тартибга мувофиқ ишлаб чиқариш жараёнида катнашувчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш фондига киритилган тўловларнинг бошқа турлари.

Асосий воситалар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси бўйича харажатлар таркибига қуйидагилар киради:

1. Асосий ишлаб чиқариш фондларининг дастлабки (тиклаш) қийматидан келиб чиқиб ҳисобланган амортизация ажратмалари суммаси (ҳисобланган эскириш), лизинг бўйича ва белгиланган тартибда тасдиқланган нормалар, қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган жадаллаштирилган амортизация ҳам шу жумлага киради.

2. Ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар эскириши ҳар ойда хўжалик юритувчи субъект томонидан дастлабки қиймати ва улардан фойдали фойдаланиш муддатидан (бирок хўжалик юритувчи субъект фаолияти муддатидан ортиқ эмас) келиб чиқиб ҳисобланадиган маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннарҳига тегишли бўлади. Фойдали фойдаланиш муддатини аниқлаш имкони бўлмаган номоддий активлар бўйича эскириш нормаси беш йил ҳисобига белгиланади, бирок хўжалик юритувчи субъект фаолияти муддатидан ортиқ эмас.

Ишлаб чиқариш жараёнидаги бошқа харажатларни ҳисобга олишнинг элементлари бўйича ажратилади.

1. Корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатиш харажатлари қуйидагилардан иборат:

- ишлаб чиқаришни хомашё, материаллар, ёнилғи, энергия, инструмент, мосламалар ва бошқа меҳнат воситалари ва буюмлари билан таъминлаш харажатлари;

- асосий ишлаб чиқариш фондларини иш ҳолатида сақлаш харажатлари (техник кўрик ва қаров, жорий ва мукамал тузатиш харажатлари). Асосий ишлаб чиқариш воситаларини барча турда (жорий, ўртача, мукамал) тузатишларни хўжалик юритувчи субъектнинг ўз кучи билан ўтказиш ишлаб чиқариш харажатларининг тегишли элементлари (моддий харажатлар,

меҳнат ҳақи тўлаш харажатлари ва бошқалар) бўйича маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннарҳига киритилади. Зарурат бўлганда айрим тармоқларнинг хўжалик юритувчи субъектлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг рухсати билан мукамал тузатиш ишларини ўтказиш учун маблағлар захирасини ташкил қилишлари мумкин. Захирага ажратмалар нормаси ҳар бир ҳисобот йили охирида қайта кўриб чиқилади ва зарур бўлганда янги молия йили учун ажратмалар миқдори кўпайтирилиши ёки камайрилиши мумкин. Агар мукамал тузатишга заҳира маблағлари суммаси ушбу объектни тузатишга қилинган ҳақиқий харажатлар суммасидан ошиб кетса, ошиб кетган сумма бўйича тузатиш киритилиши керак: агар ҳақиқий харажатлар захирадагидан ошиб кетса, у ҳолда ошиб кетган сумма ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар элементи таркибида акс эттирилади;

- идорадан ташқари, кўриқлаш харажатлари бундай кўриқлаш мавжуд бўлишини талаб қилувчи мазкур ишлаб чиқаришга махсус талаблар мавжуд бўлган тақдирда маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннарҳига киритилиши мумкин;

- ишлаб чиқариш фаолиятига тегишли бўлган асосий воситаларни жорий ижарага олиш билан боғлиқ харажатлар;

- табиатни муҳофаза қилиш мақсадларидаги фондларни сақлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ жорий харажатлар, жумладан, ифлослантирувчи моддаларни йўл қўйиладиган нормалар доирасида ва ундан ортиқча атроф-муҳитга чиқарганлик учун тўловлар;

- ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган меҳнатнинг нормал шароитлари ва техника хавфсизлигини таъминлаш харажатлари;

- ходимларнинг ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашиши билан боғлиқ бўлган соғлиқни муҳофаза қилиш тадбирлари;

- текин кўрсатиладиган коммунал хизматлар, озиқ-овқат, айрим тармоқлар ходимларига озиқ-овқатлар қиймати, хўжалик юритувчи субъект

ходимларига бериладиган текин уй-жой ҳақини тўлаш харажатлари (ёки уй-жой, коммунал хизматлар ва бошқалар учун пул компенсацияси суммаси);

- амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ текин бериладиган ва шахсий фойдаланишда қоладиган буюмлар қиймати (шу жумладан, формали кийим-бош, махсус овқатлар, ёки улар пасайтирилган нархлар бўйича сотилиши муносабати билан имтиёзлар суммаси);

- ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлган бошқарувнинг техник воситаларини, алоқа узелларини, сигнализация воситаларини, бошқарувнинг бошқа техник воситаларини, ҳисоблаш марказларини сақлаш ва уларга хизмат кўрсатиш харажатлари;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларни тиббий кўриқдан ўтказганлик учун тиббий муассасаларга ҳақ тўлаш.

2. Ишлаб чиқариш ходимларини белгиланган ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлган хизмат сафарларига юбориш бўйича нормалар доирасида ва улардан ортиқча харажатлар.

3. Ишлаб чиқариш ишчиларини ва ишлаб чиқариш активларини мажбурий суғурта қилиш харажатлари.

4. Ишлаб чиқариш жараёнида брак туфайли келиб чиқадиган йўқотишлар.

5. Ишлаб чиқаришнинг ички сабабларига кўра бекор туришлар туфайли йўқотишлар.

6. Кафолатли хизмат муддати белгиланган буюмларни кафолатли тузатиш ва уларга кафолатли хизмат кўрсатиш харажатлари.

7. Маҳсулот (хизматлар)ни мажбурий сертификация қилиш харажатлари.

8. Ишлаб чиқариш жароҳатлари туфайли меҳнат қобилияти йўқолиши муносабати билан тегишли ваколатли органларнинг қарорлари асосида ва қарорларисиз тўланадиган нафақалар.

9. Умумий фойдаланиладиган йўловчилар транспорти хизмат кўрсатмайдиган йўналишларда ходимларни иш жойига олиб бориш ва олиб келиш билан боғлиқ харажатлар.

Маҳсулот таннарҳи назариясида маҳсулот таннарҳи структураси деган муҳим тушунча мавжуд. У айрим харажатларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланадиган жами харажатлар суммасидаги нисбатини кўрсатади. Одатда, структура фоиз ҳисобида ўлчанади.

Таннарҳ структураси тармоқлар ва корхоналарнинг хусусиятига, ишлаб чиқариш технологияси ва ишлаб чиқаришнинг ташкил қилинишига боғлиқдир.

Маҳсулот таннарҳининг структураси ўзгармас миқдор ҳисобланмайди. Саноатнинг ўсиши, техника ва ишлаб чиқариш технологияси такомиллашиши, асосий ва айланма фондлардан фойдаланишнинг яхшиланиши, иш ҳақи миқдорининг ўзгариши, истеъмол буюмлари баҳоларининг тартибга тушиши ва транспорт тарифларининг ўзгариши билан маҳсулот таннарҳи структураси ҳам ўзгаради.

Маҳсулот таннарҳида қайси гуруҳдаги харажатлар асосий ўрин тутишига қараб, саноат тармоқлари бир-биридан фарқ қилади – кўп меҳнат, кўп материал, кўп энергия, кўп маблағ талаб қиладиган бўлади.

Харажатларнинг кўп қисми асосий воситалар амортизацияси учун сарфланадиган тармоқлар кўп маблағлар талаб қиладиган тармоқларга киради.

Ишлаб чиқаришнинг тармоқ хусусиятларини ҳисобга олиш, таннарҳ структурасини ва ишлаб чиқариш харажатларини иқтисодий таҳлил қилиш ишлаб чиқаришда юз берадиган асосий техник-иқтисодий жараёнларни ўрганиш, ишлаб чиқаришдаги чиқимларни камайтиришнинг асосий йўллари белгилашга имкон беради.

## **II. БОБ. “Чин Саидахрор ерари фермер хўжалигининг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили**

### **2.1. Фермер хўжалигини шаклланиш тарихи ва бошқарув структураси**

Аграр соҳа – Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Бу тармоқ мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноати тармоқларининг эса хомашёга бўлган талабини қондиради. Озиқ-овқат маҳсулотларининг 90 фоизга яқини қишлоқ хўжалиги тармоғида тайёрланади. Қишлоқ хўжалиги республикамизнинг истеъмол бозорига озиқ-овқат маҳсулотлари ва қайта ишлаш саноатига пахта, ипак хомашёларини етказиб бериш билан бирга, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, кимё саноати каби бир қатор тармоқлар маҳсулотлари учун кафолатли бозор бўлиб ҳам ҳисобланади.

Андижон вилоятининг Баликчи туманидаги “Намуна” массивида пахта, ғалла ва ипак етиштиришга ихтисослаштирилган “Чин Саидахрор ерлари” фермер хўжалиги ташкил этилган. Етиштирилган пахта, буғдой ва пилла хомашёларини давлатга шартнома асосида етказиб беради. Қишлоқ хўжалиги тармоғидаги иқтисодий ислохатлар натижасида ҳамда Мамлакатимиз Президенти И.Каримовнинг “Ширкат хўжаликлари негизида фермер хўжаликларини ташкил қилиш” тўғрисидаги 2007 йилдаги фармонида кўра, бу хўжаликни ташкил қилиш мақсадида хўжалиқ раҳбари тендерда иштирок этиб, ғолиб чиққач, ташкил этилган. Жами ер майдонини 60.0 гектарни ташкил этилган. Бугунги кунда фермер хўжалик пахта, буғдой, пилла етиштириш билан бир каторда чорва моллари ва боғдорчилик фаолиятини ҳам йулга қуйган. Унинг балансида дала шийпони, ишлов берадиган ва транспорт тракторлар ҳамда юк ташийдиган машиналар, чорва ҳайвонлари ҳамда сергўшт паррандалари мавжуд. Фермер хўжалиги юридик шахс сифатида мустақил хўжалик юритувчи субъектларининг барча ҳуқуқларига эга. Фермер хўжалиги тадбиркорлик шаклларида бири бўлиб ташкил этилишидан кўзланган мақсадларга эришир учун, шу мақсадларга монанд

тадбиркорлик фаолиятини амалга оширмакда. Фермер хўжалиги хўжалик ютишишининг бошқа шакллардаги корхоналар билан тенг бўлган ҳуқуқларга эга. Улар қуйидагилардан иборат:

- Уставда назарда тутилган доирада ва ижара шартномасида белгиланган ихтисослашувга мувофиқ фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолиятининг ўзига берилган ер участкасида мустақил ташкил этиш;
- Ўзи томонидан етиштирилган маҳсулотни сотиш юзасидан юридик ва жисмоний шахслар билан шу жумладан давлат эҳтиёжлари учун сотиш юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ хўжалик шартномалари тузиш;
- Харид қилинган маҳсулотга олдиндан ҳақ тўланадиган фючерс битимларини тузиш;
- Етиштирилган маҳсулотга мустақил эгаллик қилиш, шу жумладан уни хоҳлаган истеъмолчиларга сотиш;
- Етиштирилган маҳсулот ва хизматларга шартнома шартларига мустақил равишда нарх белгилаш;
- Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан электр энергияси, ёқилғи мойлаш материаллари, минерал ўғитлар, ўсимликларини кимёвий химоя қилиш воситалари етказиб бериш, хизматлар кўрсатиш юзасидан тўғридан- тўғри шартномалар тузиш;
- Олинган даромад (фойда)дан ўз ихтиёрига кўра фойдаланиш, банк ҳисоб рақамидаги ўз маблағларини мустақил равишда тасарруф этиш;
- Акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни сотиб олиш;
- Кредитлар олиш, бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ва пул маблағларини ихтиёрий асосида ва шартнома шартларига мувофиқ жалб қилиш ҳамда уларни ишлаб чиқариш ва такрор ишлаб чиқаришга йуналтириш;
- Кредит олиш учун ер участкасидан фойдаланишни ижарага бериш ҳуқуқни ва етиштирилган маҳсулотни гаровга қўйиш;
- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун берилган имтиёзларнинг барча турларидан кенг фойдаланиш ва бошқалар.


Юқорида келтирилиб ўтилган ҳуқуқлари билан бир қаторда мажбуриятлари ҳам мавжуд.

Фермер хўжалигининг мажбуриятлари куйидагилардан иборат:

- Ер участкасидан ижара шартномасида белгиланган мақсад ва шартларда мақсадли, самарали ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;
- Атроф мухит экология талабларига ва жойларнинг муҳофаза қилишнинг бошқа қоидаларига риоя этиш;
- Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ер участкасининг унумдорлигини ошириш чора-тадбирларини амалга ошириш, бизнес режаларда ушбу мақсадлар учун маблағлар ажратилишини назарда тутиш;
- Ер участкасидан башарти ижара шартномасида бошқа муддат белгиланган бўлмаса, бир йил мобайнида фойдаланиш;
- Пахта ва ғаллани навлар буйича жойлаштиришнинг белгиланган талабларига риоя қилиш;
- Сувдан лимит асосида фойдаланиш тўғрисидаги шартномага муофик сув ресурсларидан фойдаланиш;

Бундан ташқари фермер хўжалиги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади.

Фермер хўжалигини бошқарув структураси 2.1.1-расмда келтирилган. Унга кўра фермер хўжалигини, хўжалик раиси бошқаради. Хўжалик раиси фаолият учун жавобгар шахс бўлганлиги учун, катта масъулиятни хис қилиб, субъектни қаттиқ назорат қилади. Кейинги ўринда ҳисобчи туради. Унга таъминотчи, звено бошлиқлари яъни пудратчилар буйсунади. Инженер эса хўжалик буйича техникаларга жавобгардир. Шунинг учун тракторчилар фаолиятини қаттиқ назорат қилади. Уларни бошқарув структурасини 2.1.1-расмдан кўришимиз мумкин. Фермер хўжалигининг бошқарув структурасининг самарали фаолиятини ифодаловчи техник иқтисодий кўрсаткичлар 2009-2011 йилларда тебранувчи ҳолатларни ифодалаган.



2.1.1-расм. “Чин Саидахрор ерлари” фермер хўжалигининг бошқарув структураси.

Фермер хўжалигида маҳсулотдан соф тушум 2009 йилда 20313,8 минг сўмни, 2010 йилда 62031,0 минг сўмни, 2011 йилда эса 86093 минг сўмни ташкил қилган. 2010 йилда 2009 йилга нисбатан сотилган маҳсулотдан соф тушум ҳажми 41717,2 минг сўмга ортиб, 305,4 фоизга ўсган ёки 3 баробарга ортган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан эса 24062 минг сўмлик маҳсулот сотишдан соф тушум ортган ва 138,8 фоизга ортган.

Сотилган маҳсулот таннархи юқоридаги ҳолатга мувофиқ 2009 йилда 13548,1 минг сўм, 2010 йилда 50133 минг сўм ва 2011 йилда 59045 минг сўмларни ташкил қилган. Сотилган маҳсулот таннархи 2009 йилга нисбатан 2010 йилда 36584,9 минг сўмга кўп ёки 370 фоизга ўсган бўлса, 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 8912 минг сўмга кўп ёки 117,8 фоизга ўсиш кузатилган.

Фермер хўжалигининг фойдаси 2009 йилда 3672,7 минг сўмга тенг бўлган бўлса, 2010 йилда кескин ортиб 9799,2 минг сўмга тенг бўлган ва 2011 йилда ҳам ижобий ўзгариш давом этиб, 18970 минг сўмга тенг бўлган. Яъни, 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 6126,5 минг сўмга кўп фойда топилган бўлса, 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 9170 минг сўмга кўп фойда олинган. Яъни, 2010 йилда 2009 йилга нисбатан хўжаликнинг фойдаси 266,8 фоизга ўсган бўлса, 2011 йилда аввалги йилга нисбатан 193,6 фоизга ўсиш кузатилган.

Фермер хўжалигида иш билан банд бўлганларнинг сони йилдан йилга ортиб бормоқда. 2009 йилда мазкур хўжаликда 32 киши иш билан банд бўлган бўлса, 2010 йилда 34 киши ва 2011 йилда 35 киши “Чин Саидахроп ерлари” фермер хўжалигида иш билан банд бўлганлар.

Фермер хўжалигининг рентабеллик даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар қиймати 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 7,6 фоизга кам бўлиб, 19,5 фоизни ифодалаган бўлса, 2011 йилда 32,1 фоизга тенг бўлиб, аввалги икки даврга нисбатан ҳам юқори ҳолатни ифодалаган. Яъни, 2010 йилда аввалги йилга нисбатан 7,6 фоизга ортган ҳолат кузатилган бўлса, 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 12,6 фоизга ўсиш ҳолати юз берган.

Меҳнат унумдорлиги доимий даврларда ўсувчи ҳолатни ифодалаб, 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 1189,6 минг сўмга кўп ёки 287,4 фоизга ортиқ ижобий ўзгаришларни ифодалаган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 134,8 фоизга ўсиб, 635,4 минг сўмдан кўпроқ ишчи кучига маҳсулот ҳажми тўғри келган (2.1.1-жадвал).

Меҳнат сизими 2009 йилда 0,15 минг сўмни, 2010 йилда 0,05 минг сўмни ва 2011 йилда 0,04 минг сўмни ташкил қилган. 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 0,10 минг сўмга, фоизларда эса 33,3 %ни ташкил қилган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 0,01 минг сўмга, фоизларда эса 30 %га камайган. Бундай ҳолат албатта ижобий ҳолатни ифодаламоқда.



2.1.1- расм. Буғдой хосилини йиғиштириш жараёни

**“Чин Саидахрор ерлари” фермер хўжалигининг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили**

Кўрсаткичлар	ўлчов бирлиги.	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2010 йилда 2009 йилга нисбатан ўзгариш		2011 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариш	
					(+,-)	(%)	(+,-)	(%)
Сотилган махсулотдан соф тушум	минг сўм	20313,8	62031,0	86093,0	41717,2	305,4	24062,0	138,8
Сотилган махсулот таннархи	минг сўм	13548,1	50133,0	59045,0	36584,9	370,0	8912,0	117,8
Умумхўжалик фойдаси	минг сўм	3672,7	9799,2	18970,0	6126,5	266,8	9170,8	193,6
Ишчилар сони	киши	32,0	34,0	35,0	2,0	106,3	1,0	102,9
Рентабеллик	%	27,1	19,5	32,1	-7,6	х	12,6	х
Мехнат унумдорлиги	минг сўм	634,8	1824,4	2459,8	1189,6	287,4	635,4	134,8
Мехнат сиғими	минг сўм	0,15	0,05	0,04	-0,10	33,3	-0.01	80,0

Манба: “Чин Саидахрор ерлари” фермер хўжалиги ҳисоботлари асосида тайёрланган

## 2.2. Хўжаликнинг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили.

Фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган маҳсулотларни таҳлил қилишда иқтисодий кўрсаткичлари чуқурроқ ўрганилади. Уларга Маҳсулот сотишдан соф тушум, Сотилган маҳсулот таннархи, ялпи фойдаси, ишчилар сони, иш ҳақи жамғармаси, ўртача иш ҳақи даражаси, иш вақти давомийлиги, кунлик иш вақти, меҳнат унумдорлиги, рентабеллик ва бошқа кўрсаткичлар киради.

Фермер хўжаликда маҳсулот сотишдан соф тушум кўрсаткичи 2009 йилда 20313,8 минг сўмни, 2010 йилда 62031,0 минг сўмни, 2011 йилда эса 86093 минг сўмни ташкил қилган. 2010 йилда 2009 йилга нисбатан сотилган маҳсулотдан соф тушум ҳажми  $(62031,0 - 20313,8) = 41717,2$  минг сўмга ортиб, 305,4 фоизга ўсган ёки 3 баробарга ортган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан эса  $(86093 - 62031,0) = 24062$  минг сўмлик маҳсулот сотишдан соф тушум ортган ва 38,8 фоизга ортган.

Сотилган маҳсулот таннархи фермер хўжалигида 2009 йилда 13548,1 минг сўм, 2010 йилда 50133 минг сўм ва 2011 йилда 59045 минг сўмларни ташкил қилган. Сотилган маҳсулот таннархи 2009 йилга нисбатан 2010 йилда  $(50133 - 13548,1) = 36584,9$  минг сўмга кўп ёки 370 фоизга ўсган бўлса, 2011 йилда 2010 йилга нисбатан  $(59045 - 50133) = 8912$  минг сўмга кўп ёки 17,8 фоизга ўсиш кузатилган.

Фермер хўжалигининг ялпи фойдаси 2009 йилда 6765,7 минг сўмни, 2010 йилда 11898 минг сўмни, ҳамда 2011 йилда 27048 минг сўмни ташкил қилди. 2011 йилда 2010 йилга нисбати 15150 минг сўмни, фоизларда эса 127,3 % ни ташкил этган.

Фермер хўжалигининг иш ҳақи фонди 2009 йилда 8545 минг сўмга тенг бўлган бўлса, 2010 йилда кескин ортиб 22350 минг сўмга тенг бўлган ва 2011 йилда ҳам ижобий ўзгариш давом этиб, 26757 минг сўмга тенг бўлган. Яъни, 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 13805 минг сўмга кўп фойда топилган

бўлса, 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 4407 минг сўмга кўп фойда олинган. Яъни, 2010 йилда 2009 йилга нисбатан хўжаликнинг фойдаси 261,5 фоизга ўсган бўлса, 2011 йилда аввалги йилга нисбатан 119,7 фоизга ўсиш кузатилган.

Фермер хўжалигининг рентабеллик даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар қиймати 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 27,6 фоизга кам бўлиб, 19,5 фоизни ифодалаган бўлса, 2011 йилда 32,1 фоизга тенг бўлиб, аввалги икки даврга нисбатан ҳам юқори ҳолатни ифодалаган. Яъни, 2010 йилда аввалги йилга нисбатан 27,9 фоизга кам ҳолат кузатилган бўлса, 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 164,4 фоизга ўсиш ҳолати юз берган.

“Чин Саидахроп ерлари” фермер хўжалигида 2009-2011 йиллар давомида маҳсулот етиштириш даражаси таҳлил қилинганда, қуйидаги натижаларга эга бўлдик. Бу маълумотларни 2.2.2 – жадвал асосида кўришимиз мумкин.

Дехқончилик соҳасидан олинган даромад 2009 йилда 16251,1 минг сўмни, 2010 йилда 49624,8 минг сўмни, ҳамда 2011 йилда 68874,4 минг сўмни ташкил қилди. 2011 йилда 2010 йилга нисбати 19249,6 минг сўмни, фоизларда эса 138,7 % ни ташкил этган. Жумладан:

Буғдой етиштиришдан олинган даромад 2009 йилда 6094,3 минг сўмни, 2010 йилда 18609,3 минг сўмни, ҳамда 2011 йилда 25827,9 минг сўмни ташкил қилди. 2011 йилда 2010 йилга нисбати 7218,6 минг сўмни, фоизларда эса 137,8% ни ташкил этган.

Пахта етиштиришдан олинган даромад 2009 йилда 8125,5 минг сўмни, 2010 йилда 24812,4 минг сўмни, ҳамда 2011 йилда 34437,2 минг сўмни ташкил қилди. 2011 йилда 2010 йилга нисбати 9624,8 минг сўмни, фоизларда эса 136,9 %ни ташкил этган. Пилла етиштиришдан олинган даромад 2009 йилда 2031,3 минг сўмни, 2010 йилда 6203,1 минг сўмни, ҳамда 2011 йилда 8609,3 минг сўмни ташкил.



2.2.1-расм. Пахта далаларида хосил етилган даври

2.2.1-жадвал.

**“ЧИН САИДАХРОР ЕРЛАРИ” ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИНГ ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАХЛИЛИ**

№	Кўрсаткичлар	ўлчов бирлиги	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2010 йилда 2009 йилга нисбатан ўзгариши		2011 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариши	
						+; -	%	+; -	%
1	Махсулот сотишдан соф тушум	минг сўм	20313,8	62031,0	86093,0	41717,2	305,4	24062,0	138,8
2	Сотилган махсулот таннархи	минг сўм	13548,1	50133,0	59045,0	36584,9	370,0	8912,0	117,8
3	Ялпи фойда	минг сўм	6765,7	11898	27048	5132,3	175,8	15150	127,3
4	Иш ҳақи фонди	Минг сўм	8545	22350	26757	13805	261,5	4407	119,7
5	Рентабеллик	%	27,1	19,5	32,1	-7,6	х	12,6	х

Манба: “Чин Саидахроп ерлари” фермер хўжалигининг 2009-2011йиллардаги статистик маълумотлари .

килди. 2011 йилда 2010 йилга нисбати 2406,2 минг сўмни, фоизларда эса 137,8 %ни ташкил этган. Чорвачилик соҳасидан олинган жами даромад 2009 йилда 4062,7минг сўмни, 2010 йилда 12406,2 минг сўмни, ҳамда 2011 йилда 17218,6 минг сўмни ташкил килди. 2011 йилда 2010 йилга нисбати 4812,4 минг сўмни, фоизларда эса 136,9 % ни ташкил этган. Жумладан:

Чорва моллари 2009 йилда 17 бошни, 2010 йилда 21 бошни, ҳамда 2011 йилда 29 бошни ташкил килди. 2011 йилда 2010 йилга нисбати 8 бошга, фоизларда эса 138 %ни ташкил этган

Сут маҳсулотларини сотишдан олинган жами даромад 2009 йилда 2706,2 минг сўмни, 2010 йилда 8263,8 минг сўмни, ҳамда 2011 йилда 11364,3 минг сўмни ташкил килди. 2011 йилда 2010 йилга нисбати 3100,5 минг сўмни, фоизларда эса 137,5 % ни ташкил этган

Гўшт маҳсулотларини сотишдан олинган жами даромад 2009 йилда 1356,5 минг сўмни, 2010 йилда 4142,4 минг сўмни, ҳамда 2011 йилда 5854,3 минг сўмни ташкил килди. 2011 йилда 2010 йилга нисбати 1711,9 минг сўмни, фоизларда эса 141,3 % ни ташкил этган

Сут маҳсулотларини қайта ишлашдан олинган даромад 2009 йилда 4796 минг сўмни, 2010 йилда 6719 минг сўмни, ҳамда 2011 йилда 13549 минг сўмни ташкил килди. 2011 йилда 2010 йилга нисбати 6830 минг сўмни, фоизларда эса 201,6 % ни ташкил этган

Фермер хўжалигида олинган жами даромад 2009 йилда 20313,8 минг сўмни, 2010 йилда 62031,0 минг сўмни, ҳамда 2011 йилда 86093,0 минг сўмни ташкил килди. 2011 йилда 2010 йилга нисбати 24062 минг сўмни, фоизларда эса 138,7 % ни ташкил этган

Фермер хўжалигида қилинган жами харажат 2009 йилда 13548,1 минг сўмни, 2010 йилда 50133,0 минг сўмни, ҳамда 2011 йилда 59045,0 минг сўмни ташкил килди. 2011 йилда 2010 йилга нисбати 8912 минг сўмни, фоизларда эса

117,7 % ни ташкил этган. Фермер хўжалиги ихтиёрида қолган фойда 2009 йилда 6765,7 минг сўмни, 2010 йилда 11898 минг сўмни, ҳамда 2011 йилда 27048 минг сўмни ташкил килди. 2011 йилда 2010 йилга нисбати 15150 минг сўмни, фоизларда эса 127,3 % ни ташкил этган.

2.2.2- жадвал

“Чин Саидахроп ерлари” фермер хўжалигини махсулот етиштириш

№	Кўрсаткичлар	ўлчов бирлиги	2009 йил	2010 йил	2011 йил
1	Дехқончиликдан жумладан:	минг сўм	16251,1	49624,8	68874,4
1.1	Бугдой	минг сўм	6094,3	18609,3	25827,9
1.2	Пахта	минг сўм	8125,5	24812,4	34437,2
2	Пилла	минг сўм	2031,3	6203,1	8609,3
3	Чорвачилик жумладан:	минг сўм	4062,7	12406,2	17218,6
3.1	Чорва моллари	бош	17	21	29
3.2	Сут махсулотлари	минг сўм	2706,2	8263,8	11364,3
3.3	Гўшт махсулотлари	минг сўм	1356,5	4142,4	5854,3
3.4	Сутни қайта ишлаш	минг сўм	4796	6719	135496
4	Товуқлар сони	дона	4200	6530	9315
4.1	Тухум етиштириш	минг дона	680,4	1763,1	2515,1
5	Жами даромад	минг сўм	20313,8	62031,0	86093,0
6	Жами харажат	минг сўм	13548,1	50133,0	59045,0
7	Фойда	минг сўм	6765,7	11898	27048

Манба: “Чин Саидахроп ерлари” фермер хўжалигининг статистик маълумотлари асосида.

### **2.3. Асосий воситалардан фойдаланиш ҳолати таҳлили.**

Президентимиз Ислам Каримов томонидан қишлоқ хўжалиги соҳасида етиштирилаётган маҳсулотларнинг рақобатдошлигини таъминлашга тўсик бўлаётган, етиштирилаётган маҳсулотлар сифатининг паст бўлишига, маҳсулот таннархининг эса асоссиз ўсиб кетишига олиб келаётган омилларни бартараф этиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан:

- фермер хўжаликларидаги мавжуд асосий воситалар ҳамда техника-технологияларнинг салмоқли миқдори жисмонан ёки маънавий жиҳатдан эскирганлиги;
- етиштирилаётган маҳсулотларнинг материал ва энергия сарфи юқори даражада эканлиги;
- етиштирилаётган маҳсулотлар сифатини бошқариш тизимини жорий этиш, маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мослигини таъминлаш масаласи барча хўжаликларда тўлиқ ҳал этилмагани;
- ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси қониқарли эмаслиги таъкидланган.

Асосий воситаларни модернизациялаш масаласи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 октябрдаги «Янги турдаги рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1623-сонли қарори билан тасдиқланган дастурига киритилди.

Эскирган техника ва технологиялардан фойдаланилган ҳолда, ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтиришга, меҳнат унумдорлигининг оширишга, маҳсулот бирлигига моддий ва меҳнат ресурслари сарфи миқдорини камайтиришга, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифат ва нарх бўйича рақобатдошлигини таъминлашга эришиш мумкин эмас. Шунга кўра, уларни жаҳон миқёсида синовдан ўтган замонавий турлари билан алмаштириш борасидаги лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилди.

Мамлакатимиз раҳбари ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг материал ва энергия сарфи юқори даражада сақланиб қолаётганига эътибор қаратди. Айни пайтда мамлакатимизда етиштирилаётган 1 тонна пахтага тўғри келадиган истеъмол қилинган ёқилғи, энергия ресурслари ва минерал ўғитлари миқдори ривожланган давлатлардаги шундай кўрсаткичдан анча юқоридир.

Маълумки, маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланаётган ёқилғи-энергия ресурслари миқдорини камайтириш бу маҳсулотлар таннархининг пасайишига, уларнинг ички ва ташқи бозорлардаги рақобатдошлиги ортишига олиб келади, бу ресурсларни келажак авлодлар учун тежаш имкониятини яратади.

Мамлакатимизда ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун қуйидаги йўналишларда чора-тадбирлар амалга оширишга устувор аҳамият берилмоқда:

1) иссиқлик энергияси ва сув етказиб бериш ва сақлаш тизимини модернизация қилиш орқали бу ресурсларимизнинг техник йўқотилиши миқдорини камайтириш;

2) маиший ёритиш воситаларининг тежамкор, замонавий турларидан фойдаланишни тарғиб қилиш ва рағбатлантириш, уларнинг ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, нархининг асоссиз ўсиб кетишини чеклаш чораларини кўриш;

3) энергия ресурсларидан маиший соҳада фойдаланишга бозор механизмининг жорий этишни жадаллаштириш. Жумладан, замонавий ўлчаш асбобларини ўрнатиш, ҳисоб-китобнинг кредит тизимини кенг жорий этиш.

Юқоридаги фикрлардан келиб, чиқиб, “Чин Саидахроп ерлари” фермер хўжалигининг асосий воситаларини таҳлил қилиб чиқамиз.

## 2.3.1-жадвал

## “ЧИН САИДАХРОР ЕРЛАРИ” ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИНГ АСОСИЙ ВОСИТАЛАРИ ТАХЛИЛИ

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2010 йилда 2009 йилга нисбатан ўзгариши		2011 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариши	
						+; -	%	+; -	%
1	Махсулот сотишдан соф тушум	минг сўм	20313,8	62031,0	86093,0	41717,2	305,4	24062,0	138,8
2	Сотилган махсулот таннари	минг сўм	13548,1	50133,0	59045,0	36584,9	370,0	8912,0	117,8
3	Ялпи фойда	минг сўм	6765,7	11898	27048	5132,3	175,8	15150	127,3
4	Асосий воситаларни бошланғич киймати	минг сўм	6047,5	6495,4	7704,9	447,9	107,4	1209,5	118,6
5	Асосий воситаларни эскириш киймати	минг сўм	2209,2	2390,4	2536,4	181,2	108,2	146	106,1
6	Асосий воситаларни қолдиқ киймати	минг сўм	3838,3	4105,0	5168,5	266,7	106,9	1063,5	125,9

Манба: “Чин Саидахроп ерлари” фермер хўжалигининг 2009-2011 йиллардаги статистик маълумотлари асосида.

Маҳсулотдан соф тушум 2009 йилда 20313,8 минг сўмни, 2010 йилда 62031,0 минг сўмни, 2011 йилда эса 86093 минг сўмни ташкил қилган. 2010 йилда 2009 йилга нисбатан сотилган маҳсулотдан соф тушум ҳажми 41717,2 минг сўмга ортиб, 305,4 фоизга ўсган ёки 3 баробарга ортган. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан эса 24062 минг сўмлик маҳсулот сотишдан соф тушум ортган ва 38,8 фоизга ортган.

Сотилган маҳсулот таннархи фермер хўжалигида 2009 йилда 13548,1 минг сўм, 2010 йилда 50133 минг сўм ва 2011 йилда 59045 минг сўмларни ташкил қилган. Сотилган маҳсулот таннархи 2009 йилга нисбатан 2010 йилда 36584,9 минг сўмга кўп ёки 370 фоизга ўсган бўлса, 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 8912 минг сўмга кўп ёки 17,8 фоизга ўсиш кузатилган.

Фермер хўжалигининг фойдаси 2009 йилда 3672,7 минг сўмга тенг бўлган бўлса, 2010 йилда кескин ортиб 9799,2 минг сўмга тенг бўлган ва 2011 йилда ҳам ижобий ўзгариш давом этиб, 18970 минг сўмга тенг бўлган. Яъни, 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 6126,5 минг сўмга кўп фойда топилган бўлса, 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 9170 минг сўмга кўп фойда олинган. Яъни, 2010 йилда 2009 йилга нисбатан хўжаликнинг фойдаси 266,8 фоизга ўсган бўлса, 2011 йилда аввалги йилга нисбатан 193,6 фоизга ўсиш кузатилган.

Асосий воситаларни бошланғич қиймати фермер хўжалигида 2009 йилда 6047,5 минг сўм, 2010 йилда 6495,4 минг сўм ва 2011 йилда 7704,9 минг сўмларни ташкил қилган. 2009 йилга нисбатан 2010 йилда 447,9 минг сўмга кўп ёки 7,4 фоизга ўсган бўлса, 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 1209,5 минг сўмга кўп ёки 18,6 фоизга ўсиши кузатилган.

Асосий воситаларни эскириш қиймати фермер хўжалигида 2009 йилда 2209,2 минг сўм, 2010 йилда 2390,4 минг сўм ва 2011 йилда 2536,4 минг сўмларни ташкил қилган. Асосий воситаларни эскириш қийматини ўзгариши

2009 йилга нисбатан 2010 йилда 181,2 минг сўмга кўп ёки 8,2 фоизга ўсган бўлса, 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 146 минг сўмга кўп ёки 6,1 фоизга ўсиши кузатилган

Асосий воситаларни қолдиқ қиймати 2009 йилда 3838,3 минг сўм, 2010 йилда 4105,0 минг сўм ва 2011 йилда 5168,5 минг сўмларни ташкил қилган. Асосий воситаларни қолдиқ қийматини ўзгариши 2009 йилга нисбатан 2010 йилда 266,7 минг сўмга кўп ёки 6,9 фоизга ўсган бўлса, 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 1063,5 минг сўмга кўп ёки 25,9 фоизни ташкил этган.

Давр харажатлари 2009 йилда 270,9 минг сўм, 2010 йилда 400 минг сўм ва 2011 йилда 595 минг сўмларни ташкил қилган. 2009 йилга нисбатан 2010 йилда 225 минг сўмга кўп ёки 60,8 фоизга ўсган бўлса, 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 195 минг сўмга кўп ёки 48,7 фоизни ташкил этган.

**“ЧИН САИДАХРОР ЕРЛАРИ” ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИНГ САРФ - ХАРАЖАТЛАРИ ТАХЛИЛИ**

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2010 йилда 2009 йилга нисбатан ўзгариши		2011 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариши	
						+; -	%	+; -	%
1	Махсулот сотишдан соф тушум	минг сўм	<b>20313,8</b>	<b>62031,0</b>	<b>86093,0</b>	<b>41717,2</b>	<b>305,4</b>	<b>24062,0</b>	<b>138,8</b>
2	Сотилган махсулот таннархи	минг сўм	<b>13548,1</b>	<b>50133,0</b>	<b>59045,0</b>	<b>36584,9</b>	<b>370,0</b>	<b>8912,0</b>	<b>117,8</b>
3	Давр харажатлари	Минг сўм	270,9	400	595	225	160,8	195	148,7
4	Иш ҳақи фонди	Минг сўм	8545	22350	26757	13805	261,5	4407	119,7
5	Ер солиғи	Минг сўм	3778	8715	9025	4937	230,6	310	103,5

Манба: “Чин Саидахрол ерлари” фермер хўжалигининг 2009-2011 йиллардаги статистик маълумотлари асосида.

## **Ш.БОБ. Махсулот рақобатбардошлигини оширишни амалий йўллари**

### **3.1. Мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатдошлигини таъминлаш йўллари.**

Президентимиз И.А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида жаҳон иқтисодиётида юзага келган тенденциялардан, шунингдек, мамлакатимизни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш стратегиясидан келиб чиқиб, 2012 йил ва ундан кейинги йилларда амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифаларни аниқ-равшан белгилаб берди.

Президентимиз мамлакатимиз корхоналарида тайёрланаётган махсулотларнинг рақобатдошлигини ошириш негизида миллий иқтисодиётимизнинг жаҳон хўжалик тизимидаги ўрнини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатдошлигини оширмасдан, рақобатдош иқтисодиёт, пировард натижада эса рақобатдош мамлакатни барпо этмасдан туриб, ўрта муддатли истиқболда мамлакатимиз иқтисодиётини ривожланган демократик давлатлар даражасига олиб чиқишдек стратегик вазифани амалга ошириш мумкин эмаслиги Юртбошимиз томонидан таъкидлаб ўтилди.

2008 йилда бошланган глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг жаҳон иқтисодиётига таъсири давом этаётган бир шароитда хомашё ва тайёр махсулотларга бўлган талабнинг давомли равишда пасайиши корхоналар, мамлакатлар ўртасидаги рақобат кураши барча махсулотлар, айниқса тайёр махсулотлар бозорларида кучайиб боришига сабаб бўлмоқда.

Бундай шароитда миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигини таъминлаш орқалигина мамлакатни барқарор ривожлантириш мумкинлиги сир эмас.

Бу мақсад мамлакат иқтисодиётини изчил равишда ислоҳ қилиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш орқалигина таъминланиши мумкинлигини илғор давлатлар тажрибаси кўрсатиб тургани Президентимиз маърузасида алоҳида қайд этилди

“Республика қишлоқ хўжалигини барқарор, жадал ва мутаносиб равишда ривожлантириш, асосий аграр тармоқларни диверсификация қилишга ва экспорт салоҳиятини ўстиришга йўналтирилган таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, аграр тармоқлар, комплекси ва фермер хўжалиқларни модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш асосида уларнинг самарадорлиги ҳамда рақобатдошлигини янада ошириш мақсадида” қабул қилинган, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда аграр соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишари тўғрисида»ги 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442-сонли қарори билан тасдиқланган дастурнинг амалга оширилиши иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштиришда янги босқич бўлади.

Дастурга кўра, аграр тармоқларни жадал ривожлантириш орқали унинг ЯИМдаги улушини 2012 йилла 2011 йилга нисбатан 15 фоизга ўстириш, якуний тайёр маҳсулотларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулоти умумий ҳажмидаги улушини 61,2 фоизга, экспортининг мамлакат экспортидаги улушини эса 71,8 фоизга, экспорт қилинаётган маҳсулоти ҳажмининг улушини эса 63,2 фоизга етказиш кўзда тутилган.

Бу параметрларга эришиш учун 2011-2015 йиллар давомида 25,67 миллиард АҚШ долларидан кўпроқ инвестицияларни ўзлаштириш мақсад қилиб қўйилган.

Сифати ва нархи бўйича жаҳон бозорида рақобатдош бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва янги маҳсулот турларини ўзлаштиришга катта миқдордаги инвестицияларни жалб этиш ҳамда ўзлаштириш орқалигина эришилади.



3.1.1-расм. Мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатдошлигини таъминлаш шартлари<sup>10</sup>.

<sup>10</sup> Ўзбекистон: жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, инновацион тараққиёт ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш /ЎзР ФАИқтисодиёт институти; А.Ф.Расулевнинг таҳрири остида, - Т.:KONSAUDITINFORM-NASHR, 2011. 6-б.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 октябрдаги «Янги турдаги рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1623-сонли қарори билан тасдиқланган дастурга мувофиқ, 2012-2016 йилларда, ҳисоб-китоблар бўйича, қиймати 6 миллиард 200 миллион доллар бўлган 270 дан зиёд инвестиция лойиҳасини, шунингдек, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича тармоқ дастурларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

2011 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 17,1 фоизи қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келди. Аграр тармоқ юртимиз аҳолисининг салмоқли қисмини иш ўринлари билан таъминлаб келмоқда. Шу жиҳатдан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масаласи республикаимиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Мустақиллик йилларида муҳтарам Президентимизнинг ташаббуси ва бевосита раҳномолигида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича жуда катта ишлар амалга оширилди. Ишлаб чиқаришга фан-техника ютуқларини, янги техника ва илғор технологияларни жорий этиш ишлари йилдан-йилга жадаллашиб бормоқда. Чекланган ер ва сув ресурсларидан, капиталдан ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги юксалмоқда.

Фермер хўжаликлари томонидан маҳсулотлар ишлаб чиқариш (етиштириш) ҳажмини кўпайтириш, аҳолининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи саноат корхоналари фаолиятини жонлантириш ва янги муҳими, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортдан келаётган валюта маблағларини кўпайтириш мақсадида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини

яхшилаш, ирригация тизимларини ривожлантириш учун 2011 йилда бюджетдан 272,3 миллиард сўмлик маблағ сарфланди. Бунинг натижасида 103,5 километр узунликдаги ирригация қувурлари; секундига 13,6 куб метр сувни узатиб бериш қувватига унумдорликка эга бўлган насос станциялари, 11,7 километрлик латок ариқлар; 2 та кудук, 15 та гидротехника иншооти, 0,6 километр узунликдаги қувурлар фойдаланишга топширилди. Натижада 102,6 минг гектар майдондаги ернинг суғориш имконияти яхшиланди.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси ҳисобидан кўзда тутилган тадбирлар учун 2011 йилда 105 миллиард сўм, шундан 78,3 миллиард сўм қурилиш, лойиҳа-қидирув ва реконструкция қилишга; 20,0 миллиард сўм мелиоратив техникалар сотиб олишга; 6,7 миллиард сўм эса кредиторлик қарзларини тўлаш учун сарфланган. Агар амалга оширилган ишларнинг кўламини қайд этадиган бўлсак, ушбу жамғарма маблағларидан оқилона фойдаланиш натижасида 676,2 километрлик коллекторлар қурилди ва реконструкция қилинди; 87,1 километрга тенг бўлган горизонтал ёпиқ дренажлар, шунингдек, 13 та мелиоратив насос станцияси, 191 та мелиоратив ва 282 та кузатув қувури, 17 та гидротехник иншоотлар қуриб битказилди ва фойдаланишга топширилди.

“Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилга мўлжалланган инвестиция дастури тўғрисида”ги Президент қарорининг бажарилиши йўлида қишлоқ ва сув хўжалиги тизимини янада ривожлантириш учун тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2011-2015 йилларда амалга оширилиши кўзда тутилган 27 та истиқболли лойиҳа бўйича 990 миллион АҚШ долларилик молиялаш манбаи белгиланди. ХХР ҳукумати, Жаҳон банки, Осие тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки ва Франция ҳукумати ушбу лойиҳаларни молиялаш учун потенциал хорижий инвесторлар ҳисобланади. Мазкур тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида 500 минг гектардан ортиқ суғориладиган

ҳудуд сув билан таъминланиб, 100 минг гектардан ортиқ ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланади.

### **3.2. Фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш учун яратилган шарт-шароитлар**

Республикамизда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг самарали фаолият юритиши ва ривожланиб бориши кўп жиҳатдан улар учун яратилган шарт-шароитларга боғлиқдир. Бу борада айниқса қулай

молия-кредит ва солиқ механизмларини шакллантириш муҳим ўрин тутди. Ислохотлар давомида фермер хўжаликларини молия-кредит ва солиқ механизмлари орқали қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимига асос солинди:

- давлат эҳтиёжи учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи фермер хўжаликлари учун имтиёзли кредитлаш тизими йўлга қўйилди;

- фермер хўжаликлари учун ерларнинг унумдорлигига боғлиқ бўлган ягона ер солиғи тўлаш бўйича имтиёзлар жорий этилди;

- фермерларга техника воситаларини имтиёзли шартлар бўйича лизинг асосида етказиб бериш тартиби жорий этилди;

- фермер хўжаликлари учун имтиёзли кредитлаш тизими яратилди;

- балл бонитети паст бўлган ерларда пахта ва ғалла етиштирадиган фермер хўжаликларининг зарарини қоплаш мақсадида уларга молиявий ёрдам бериш тизими жорий этилди;

- ирригация ва мелиорация тизимини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш амалиётга татбиқ қилинади.

Тижорат банклари ва бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредит сиёсатида деҳқон (юримдик шахс мақомидаги) ва фермер хўжаликлари учун бир қатор имтиёзлар белгиланган бўлиб, уларни қўйидагиларда қўриш мумкин:

- тижорат банкларининг имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан берилган кредитлардан фойдалангани учун имтиёзли фоиз ставкаси миқдори Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш ставкасининг 50 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади;

- “Микрокредитбанк”нинг маблағлари ҳисобидан бериладиган, энг кам иш ҳақининг 200 баробаригача бўлган бошланғич сармоя учун микрокредитлар йиллик 5 фоизли ставкада, бизнесни кенгайтириш ва айланма маблағларни тўлдириш учун энг кам иш ҳақининг 500

баробаригача микрокредитлар Марказий банк қайта молиялаш ставкасидан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади;

- янги ташкил этилган, юридик шахс мақомига эга бўлган деҳқон хўжаликларига энг кам иш ҳақининг 150 баробари, фермер хўжаликларига эса 300 баробари миқдорида бошланғич сармоя учун йиллик 5 фоизли имтиёзли кредитлар бериш йўлга қўйилди;

- давлат эҳтиёжи учун дон ва пахта етиштирувчи фермер хўжаликларига бериладиган аванс маблағларининг олдиндан 3 фоизли имтиёзли ставка билан кредит тарзида берилиши йўлга қўйилди.

Кейинги йилларда фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан ҳисоб-китоб қилиш жамғармаси маълумотларига кўра, 2003-2011 йилларда республикамизда давлат эҳтиёжлари учун пахта хомашёси ва ғалла етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарига ажратилаётган имтиёзли кредитлар қиймати 2003 йилдаги 309,1 миллиард сўмдан 2011 йилда 1 598,8 миллиард сўмга ошди.

Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига ажратилаётган имтиёзли кредитларнинг йиллик фоиз ставкаси тижорат кредитлари фоиз ставкасидан 2-3 баробар паст бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида фермер хўжаликлари фаолиятини давлат томонидан иқтисодий рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш сиёсатининг натижасидир ва фермерларнинг молиявий имкониятларини кенгайтиради.

Солиққа тортиш ва солиқ тўлаш механизмини соддалаштириш мақсадида мамлакатимиз Президентининг Фармони билан фермер хўжаликлари томонидан тўланадиган тўққизта солиқ тури ўрнига 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб қишлоқ хўжалиги корхоналари учун

ягона ер солиғи жорий қилинган бўлиб, у ҳар томонлама қулайликка эга. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида қишлоқ хўжалиги соҳасида бир қатор солиқ ва божхона имтиёзлари қўлланади:

- янгидан ташкил этилган, пахта, ғалла, сабзавот, полиз, картошка ва бошқа маҳсулотлар етиштирадиган фермер хўжаликлари 2 йил муддатга, боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари 5 йил муддатга ягона ер солиғи тўлашдан озод этилди;

- фермер ўз хисобидан ўзлаштирган ер учун беш йил давомида ягона ер солиғи тўлашдан озод қилинди;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 мартдаги 304-сонли қарорига асосан, хорижий техникалари олиб келишда қўшилган қиймат солиғи ва божхона тўловлари ҳамда чет эл техникалар учун эҳтиёт қисмлар олиб келишда қўшилган қиймат солиғидан озод этилган;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 мартдаги 308-сонли қарорига мувофиқ, чет эллардан чорва моллари олиб келишда қўшилган қиймат солиғи тўловларидан озод этилган.

Фермер хўжаликлари техника воситаларини имтиёзли шартлар бўйича лизинг асосида ҳарид қилиши учун техника бошланғич нархининг 15 фоизини тўлаб, қолган 85 фоизини 10 йил муддат ичида тўлаш имкониятига эга бўлди. Бунда лизингдан фойдалангани учун йиллик фоиз тўловлари Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан ошмайдиган қилиб белгиланди.

Аграр соҳада амалга оширилаётган нарх ислоҳоти қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига нарх белгилашда эркин бозор муносабатларини босқичма-босқич жорий этишга йўналтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 20 августдаги «Пахта нархини шакллантириш механизми тўғрисида»ги ПФ-3114-сонли фармониغا асосан, давлат томонидан сотиб олинаётган пахта хомашёсининг нархини жаҳон бозоридаги нархлар даражасидан келиб

чиққан ҳолда белгилаш тизими жорий этилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сонли қарорига мувофиқ, 2009 йилда давлат бюджети параметрларида экспортга сотиладиган пахта толаси бўйича 20 фоизлик қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) тўлашдан пахта тозалаш корхоналари озод этилди, натижада шу миқдорда фермерларга пахта учун тўланадиган харид нархлари оширилди. Шу орқали давлатимиз томонидан пахта етиштирувчи фермер хўжаликларини ва тайёрлов корхоналарини рағбатлантириш кўзда тутилган бўлиб, пахта толасининг ички нархларини жаҳон бозоридаги нархларга тенглаштириш чоралари кўрилмоқда. Шу билан бирга, бугунги кунда жаҳон бозорида пахта толаси нархларининг бирмунча юқори эканини инобатга олган ҳолда, нарх бўйича юзага келган ижобий фарқнинг 25 фоизини фермер хўжаликларига тўлаб бериш бўйича тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2011 йил давомида фермер хўжаликларига йўналтирилган ижобий фарқ суммаси 403 315 миллион сўмни ташкил этди. Бу ҳолат жаҳон бозорида қулай конъюнктура вужудга келган йилларда фермер хўжаликларининг барқарор даромад олиши учун янги имкониятлар очади.

Давлат томонидан сотиб олинаётган ғалла нархларини эса минтақавий бозорлардаги нархлардан келиб чиққан ҳолда белгилаш тизими жорий этилди. Бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нархлари бозордаги талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда, шартнома асосида белгиланмоқда.

Кейинги йилларда фермер хўжаликларини барқарор ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш учун маблағлар ажратиш амалиётда қўлланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг

2007 йил 5 ноябрдаги “Ҳосилдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжи учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштираётган фермер хўжалиklarини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-725-сонли Қарорида фермер хўжалиklarини барқарор ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларга самарали ва амалий давлат мададини кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетида ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжалиklarини молиявий қўллаб-қувватлаш учун мақсадли маблағлар ажратиш, Молия вазирлигига ҳар йили Давлат бюджети лойиҳасини шакллантиришда мазкур мақсадларга ер солиғи бўйича тушумлар ҳисобидан маблағлар ажратиш вазифаси юклатилди.

Мазкур қарорга мувофиқ, балл бонитети паст ерларда давлат эҳтиёжлари учун пахта хомашёси етиштириш билан шуғулланаётган фермер хўжалиklarини молиявий қўллаб-қувватлашга давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар қиймати 2008 йилдаги 60 миллиард сўмдан 2012 йилда 160 миллиард сўмга ошди.

## Хулоса

Мамлакатимиз иқтисодиётининг таркибий тузилишини такомиллаштириш вазифаси иқтисодий ислохотларни амалга оширишда доимо диққатимиз марказида бўлиб, иқтисодий ривожланиш борасида эришган ютуқларимизнинг муҳим омили ҳисобланади. Жаҳон иқтисодиётида кечаётган мураккаб жараёнлар иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, етиштирилаётган маҳсулотлар рақобатдошлигини ошириш учун унинг таркибий тузилишини муттасил такомиллаштириб бориш заруратини янада кучайтирди. Чунки дунёдаги ҳар қандай мамлакатнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари рақобатдошлиги энг аввало унинг иқтисодиёти қанчалик рақобатга дош бериши билан белгиланади.

Ички ва ташқи бозордаги рақобатдошлик ўзаро жиддий фарқ қилиши мумкин. Бу ҳолат бозорларда ички ва ташқи муҳитни ташкил этувчи омилларнинг турлича экани, яъни тўловга қодир талабнинг ҳажми, ички ва ташқи бозордаги нархлар ўртасидаги фарқ, олиб борилаётган ташқи савдо сиёсати ва ҳ.к.лар билан изоҳланади.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлик даражаси унинг табиий ресурс салоҳияти, меҳнат ресурсларининг сони ва сифати (малака даражаси), ишлаб чиқаришнинг техник-технологик модернизациялашиш даражаси, иқтисодиёт таркибий тузилишининг такомиллашгани, давлатнинг иқтисодий ривожланиш ҳамда ислохотлар стратегияси қай даражада илмий асослангани ва ўзгаришлар жараёнларини ҳисобга олгани ҳамда бошқа бир канча омилларга боғлиқлиги билан фарқланади.

Мураккаб тизим сифатида иқтисодиётнинг барча элементлари орасидаги шаклланган ва ўзгариб борадиган пропорциялар ва ўзаро нисбатлар таркибий ўзгаришларни тавсифлайди. Миллий хўжаликнинг мақбул таркиби, алоҳида турдаги ишлаб чиқаришларнинг ривожлангани ва баланслашгани, уларнинг ўзаро муносиблиги ҳар қандай давлат ривожининг пировард мақсади бўлган аҳоли турмуш фаровонлигининг ошишига хизмат қилади.

Биз юқорида бир катор иқтисодчи олимларнинг рақобат ва рақобатбардошлилик категорияларига берган таърифларини келтирдик. Шунга кўра хулоса қилиб айтиш мумкинки, рақобатнинг таърифи ҳақида олимларимиз ҳамон бир фикрга кела олган эмас. Бу борада айрим олимларнинг қарашларига тўхталишни мақсага мувофиқ деб топдик. Жумладан, А.Н.Азрилиян ва унинг издошлари: “Товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги капитал, хом ашё ва бозорни таъминлаш учун қулай соҳани эгаллашга қаратилган мусобақа”. А.М.Румянцев ва унинг издошлари эса “Товар ишлаб чиқаришга хос, хусусий мулкчиликка асосланган бўлиб, хусусий товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида товарни ишлаб чиқариш ва сотишда қулай шароит учун мурасасиз кураш жараёни.” – деб таъкидлайдилар. Айрим олимлар эса, рақобатни бозордаги кураш тарзида идрок қилади. Хусусан, А.Г.Грязнова ва унинг издошлари “Истеъмолчиларнинг чегараланган талабини қондириш учун турли фирмалар ўртасида ўзларига мақбул бўлган

бозордаги кураши” – деб кўрсатадилар. Шунга яқин фикрларни яна бир гуруҳ олимлар ҳам таъкидлашадилар. В.И.Видяпин ва Г.П.Журавлёваларнинг издошлари “Бозор муносабатлари иштирокчиларининг товарни ишлаб чиқариш ва сотишда қулай шароитга эга бўлиши учун кураш жараёни” – сифатида қарайдилар. Биз бу фикрлардан келиб чиқиб, бу тушунчага “Рақобат – маҳсулот етиштирувчилар, сотувчилар ва харидорлар ўртасида ўзлари учун қулай шароит яратишга қаратилган тўқнашувдир” деб таъриф берамиз. Сабаби маҳсулот етиштирувчилар, сотувчилар ва истеъмолчиларнинг барчаси қонун доирасидан чиқмаган ҳолда мақсадларига эришишни истайдилар.

Ҳозирги кунда ҳар бир хўжаликнинг рақобатбардошлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Бунга эришиш учун уни таҳлил қилиш йўллари яхши билишни, унинг ҳар бир жиҳатини яхшилаш учун эса, тегишли бошқарув қарорларини қабул қилишни тақозо қилади. Бу эса ўз навбатида, рақобатбардошликни ифодаловчи кўрсаткичларни ишлаб чиқишни тақозо қилади. Аммо ушбу масала иқтисоий адабиётларда ҳамон ўз ечимини топган эмас. Бу муаммонинг ҳал қилиниши бўйича турли қарашлар мавжуд.

Ўзбекистон шароитида аграр соҳани ривожлантиришга асосий этибор берилаётганлигини сабаби, ҳукуратимиз истиқлолгача бўлган даврларда марказга пахта (хом ашёсини) етиштирувчи база сифатида шаклланган эди. Эндиги мақсад етиштирилган нафақат пахтани балки барча қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини хом ашё сифатида эмас тайёр маҳсулот сифатида сотишни йўлга қўйишдир. Маҳсулотлар сифатли, таннархи арзон бўлмаса, бунга эришиб бўлмайди. Шунинг учун фермер хўжаликлари фаолиятида ҳам етиштирилган маҳсулотлар рақобатбардошликни ошириш талаб қилинмоқда.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Т.: Адолат, 1992 йил.
2. «Хусусий корхона тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2003 йил 11 декабрь. // Ўзбекистон Республикаси Қонуни Хужжатлар тўплами, 2004 йил, №3.
3. “Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 июндаги ПФ-3620 сонли Фармони. \\ Солиқ ва божхона хабарлари// № 26(570), 2005 йил 20 июнь, 3-4-бет.
4. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгаши фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 февралдаги 57-сон қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12 апрел 2005 йилдаги “Тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишни такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори.
6. Каримов И.А. «Ўзбекистон буюк келажак сари» асарида. Т., «Ўзбекистон», 1998 йил.
7. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. –Тошкент: Ўзбекистон, 2001 йил.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997 йил.
9. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009 йил.
10. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислам Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Ҳалқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.
11. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Президент Ислам Каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Ҳалқ сўзи. 2012 йил 30 январь
12. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади // Ҳалқ сўзи. 2011 йил, 22 январь.
13. Андижон вилояти иқтисодиёт Бош бошқармаси маълумотлари.

14. Абдуллаев Ё., Юлдошев Ш. Малый бизнес и предпринимательство. Т.: 2006 год.
15. Абдуллаев В., Х. Айбешов Фермер хўжалиги иқтисодиёти. Т.: Алоқачи, 2008 йил.
16. Вахобов А. Бозор муносабатлари тизимидаги ижтимоий фондлар. – Т.: Шарқ, 2003 йил.
17. Гафарли М.С., Касаев А.Ч. Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик-тараққиёт асоси. -Т.: Ўзбекистон, 2001 йил.
18. Гулямов С.С. Предпринимательство и малый бизнес.-Т: ТГТУ. 2007йил.
19. Исроилов Ж.И. Тадбиркорлик субъектларида товарларни ишлаб чиқариш ва сотиш таҳлил қилиш усуллари. –Самарқанд: СВТИТП, 2004 йил.
20. Мировой рынок продовольствия в эпоху «генной» революции, 2002 й, изд. «Экономика»,
21. Усмонов С.Н., Дадабоев Ю.Т., Худойбердиев А. Тадбиркорлик асослари. – Ф.: 2000 йил.
22. Шодмонов Ш., Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси. -Т.: 2000 йил
23. Гофуров У. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг назарий муаммолари / илмий-амалий конференция материаллари -Тошкент, ЎзФА Иқтисодиёт институти, 2000 йил.
24. Фуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. -Тошкент: Шарқ, 2002 йил.
25. Эрматов.А.А. Влияние рыночной инфраструктуры на развитие малого бизнеса в региональной экономике // материалы международной научно-практической конференции. ТФИ 24 января 2007 год.
26. Эрматов.А.А Андижон вилоятида кичик бизнесга хизмат кўрсатувчи инфратузилманинг самарадорлигини ошириш йўллари // АндМИИ Илмий мақолалар тўп. –Андижон, 2009 йил.

27. “Чин Саидахроп ерлари” фермер хўжалигининг 2009- 2011 йиллардаги хисоботлари
28. Чин Саидахроп ерлари” фермер хўжалигининг 2009- 2011 бухгалтерия баланси
29. World Development Report 2005 й. [www.worldbank.org](http://www.worldbank.org).
30. <http://www.advertology.ru>
31. <http://www.oryol.ru>
32. Sharpe W.F. Portfolio Theory and Capital Markets. – New York: McGraw-Hill, 1970. – p.26.
33. <http://www.hse.ru/journals/main.htm>
34. [Институт Мировой Экономики и Международных Отношений \(ИМЭМО\)](http://www.imemo.ru) 10.04.2005 г. Новый номер Бюллетеня "Экономика и политика России и государств ближнего зарубежья"
35. <http://www.imemo.ru/>
36. <http://www.worldbank.uz>
37. <http://www.uzland.uz>